2004 YIL 16 YANVAR, JUMA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 8 (6.689). Sotuvda erkin narxda

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КУВАЙТ ДАВЛАТИГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Кувайт Давлати Амири шайх Жобир ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ таклифига биноан 2004 йил 19-20 январь кунлари расмий ташриф билан Кувайтда бўлади.

Ташриф чоғида ўзаро муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларнинг муҳокама этилиши ҳамда қатор муҳим ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

## ЧУҚУР ҲАМДАРДЛИК

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига***

Президент Жаноблари, Азиз дўстим,

Тошкент шаҳрида рўй берган ва кўп одамлар ҳалок бўлган авиафалокат ҳақидаги хабар мени ниҳоятда қайғуга солди.

Ушбу мусибатли дамларда шахсан ўзим ва бутун француз халқи номиданЎзбекистон халқига ҳайрихоҳлик ва бардамлик ҳис-туйғуларини изҳор этаман. Авиафалокат қурбонларининг қариндошлари ва яқинларига чин дилдан ҳамдардлигимни етказишингизни сўрайман.

Президент Жаноблари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни ва шу қайғули дамларда дўстона туйғуларимни қабул қилгайсиз.

**Жак ШИРАК,**
**Франция Республикаси Президенти**

* * *

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига***

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Тошкентда юз берган авиация фалокати натижасида самолёт йўловчилари ва экипажи ҳалок бўлганлиги муносабати билан чуқур таъзиямизни қабул қилгайсиз. Бу мудҳиш хабар молдаван халқининг қалбига қайғу-алам солди. Мамлакатингиз бошига тушган оғир мусибатда сизлар билан ҳамдардмиз.

Ҳалок бўлганларнинг оилаларига, қариндошлари ва яқинларига самимий ҳамдардлик сўзларимизни етказишингизни сўрайман.

Эҳтиром ила,

**Владимир ВОРОНИН,**
**Молдова Республикаси Президенти**

* * *

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига***

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Тошкент шаҳри аэропортида Як-40 самолёти фалокатга учраб, одамлар фожиали ҳалок бўлгани ҳақидаги мудҳиш хабар қалбимни чуқур қайғуга солди.

Қирғизистон халқи ва шахсан ўз номимдан билдираётган таъзиямни қабул қилгайсиз. Марҳумларнинг қариндошлари ва яқинларига ҳамдардлик сўзларини етказишингизни сўрайман.

Қайғу-алам билан,

**Асқар АКАЕВ,**
**Қирғизистон Республикаси Президенти**

* * *

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига***

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Татаристон Республикаси аҳли Тошкентдаги авиафалокат натижасида инсонлар қурбон бўлгани ҳақидаги хабарни қайғу-алам билан қабул қилди.

Фожиа натижасида ҳалок бўлганларнинг қариндошлари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик ҳамда таскин сўзларини етказишингизни сўраймиз.Ўзбекистон халқи билан бирга қайғудамиз ва оғир мусибат аламига чин дилдан шерикмиз.

Самимият ила,

**Минтимер ШАЙМИЕВ,**
**Татаристон Республикаси Президенти**

**(Давоми 2-бетда)**



**Эшмурод Хўжамуродов Хўжайли туманидаги ёғ заводида узоқ йиллардан буён ишлаб жамоа ўртасида ҳурмат қозонган. Янги йилда янги режаларни амалга оширишга киришган Э.Хўжамуродов айни пайтда пешқадамлар сафида.**

**СУРАТДА: Эшмурод Хўжамуродов.**

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

**ҚАРОРИ**

## Экинларнинг пайҳон қилиниши ва нобуд бўлишига қарши курашни янада кучайтириш тўғрисида

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари қишлоқ хўжалиги экинларининг пайҳон қилиниши ва нобуд бўлишининг олдини олиш муаммоларига етарли эътибор бермаётганликлари ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари ушбу долзарб масалага тўла жалб қилинмаётганлиги ва уларга нисбатан талабчанликнинг пастлиги оқибатида, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан экинларнинг пайҳон қилинишига йўл қўймаслик юзасидан етарли чора-тадбирлар кўрилмаётганлиги натижасида айрим хўжаликларга жиддий зарар етказилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг пайҳон қилинишига Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Жиззах, Навоий ва Бухоро вилоятларида сезиларли равишда йўл қўйилаётганлиги ташвишли ҳолдир.

**Қишлоқ хўжалиги экинлари аввало ризқу-рўзимиз бўлмиш ғалла майдонларини пайҳон қилинишининг олдини олиш ва нобуд бўлиши ҳолатларига йўл қўймаслик юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар самарадорлигини ошириш ҳамда ушбу масалада тегишли идоралар раҳбарларининг масъулиятини янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1.Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари:

экинларнинг пайҳон қилиниши ва нобуд бўлишига қарши тегишли чора-тадбирлар кўрмаётганликлари ҳамда бу борада зарур назоратни таъминламаётганликлари учун қаттиқ огоҳлантирилсин;

қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарларининг экинларни пайҳон қилиниши ва нобуд бўлиши ҳолатлари учун масъулиятини ошириш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича шошилинч тадбирлар белгиласин;

экинзорларда чорва молларини боқиш, уларни қаровсиз қолдириш ва экинзорлар орқали ҳамма турдаги ҳаракатланувчи техника воситалари ўтиши, шунингдек, экинларнинг пайҳон қилиниши ва нобуд бўлишига олиб келувчи бошқа салбий ҳолатларга қарши кураш чораларини янада кучайтирсин;

ички ишлар идоралари, қишлоқ хўжалиги корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла посбонлари билан ҳамкорликда экинларни пайҳон қилинишининг олдини олиш бўйича мунтазам равишда рейдлар ўтказилишини таъминласин;

қишлоқ хўжалиги экинлари пайҳон қилиниши мумкин бўлган жойларда ташкил этилган кузатув постлари ходимлари ва дала қоровулларининг фаолияти самарадорлигини оширсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси қишлоқ хўжалиги экинлари пайҳон қилинишининг олдини олиш бўйича маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда жойларда тарбиявий-тушунтириш ишларини кучайтирсин.

3. Эътиборга олинсинки, амалдаги қонунчиликда экинзорларни пайҳон қилганлик учун белгиланган жавобгарлик асосида:

чорва молларнинг экинзорларни пайҳон қилиши, фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса - иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга;

экинзорларни техника воситаларида босиб ўтиш - энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу ҳуқуқбузарлик учун белгиланган жарима билан бир қаторда экинзорларни пайҳон қилиш оқибатида келтирилган зарар айбдор шахс ҳисобидан қопланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов) қишлоқ хўжалик экинларининг пайҳон қилиниши ва нобуд бўлишининг олдини олиш юзасидан ташкилий-профилактик тадбирларни мунтазам равишда ўтказиш ҳақида қўшимча тадбирлар белгиласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (Р.Қодиров) қишлоқ хўжалиги экинларининг пайҳон қилиниши ва нобуд бўлишининг олдини олишга қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратни кучайтирсин.

6. «Ўзтелерадио» компанияси (А.Кўчимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М. Ҳазратқулов), Ўзбекистон республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов), оммавий ахборот воситалари қишлоқ хўжалиги экинлари пайҳон қилиниши ва нобуд бўлишининг олдини олишга қаратилган амалдаги қонунчиликнинг тарғиб қилинишини ва бу йўналишда олиб борилаётган ишларнинг мунтазам равишда ёритилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари И.Жўрабеков ва Т.Худайбергенов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 14 январь

# САВОБ ОЛАЙ ДЕСАНГИЗ...

НИГОҲ

***Бировга яхшилик қилиш меҳр-мурувватнинг онаси бўлса, отаси сахийликдир. "Сахийлик – бамисоли жаннатнинг дарахтларидан биридир, - дейилади Ҳадисда. – Унинг шохлари дунёга осилиб тушиб туради. Кимки ўша шохлардан бирини тутиб олса, у жаннатга бошлаб боради". Демак, сахий инсоннинг бу дунёси-ю у дунёси обод. Сахий бўлишга нима етсин. Меҳр ва мурувват йилида ҳар бир инсон сахий бўлишдек шарафга муяссар бўлсин.***

Сахий инсонлар ҳамиша эл оғзида бўлади. Уларга ҳамма ҳавас қилади. Одатда, бундай одамлар меҳмон келса яйраб кетади, қарз сўрасангиз йўқ демайди, муҳтожга хайр-эҳсонли бўлади. Худо берганга берар экан. Сахийнинг топганида барака бор. Унинг саховати қалбни нурафшон қилади. Носир Хисрав айтганидек, "Саховат ўзгани айлар қариндош".

Назаримда, сахийлик инсонга қон билан киради. Бошқаларнинг олдида бир-икки марта саховат кўрсатган бошқа-ю, қалб ёғдуси билан бошқаларнинг дилини ёритган бошқа. Бир бурда нонми, бир оғиз ширин сўзми ёки бировнинг дардига дармон бўлишми – умуман, сахийликнинг мезони ҳам, чегараси ҳам йўқ. Ҳаётда ана шундай фазилатли одамларни кўрганингизда беихтиёр жаннат дарахтларидан бирини эслайсиз. Унинг дунёга осилиб тушиб турган шохларидан бири сахий одамни жаннатга бошлаб боради.

Яқинда Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ тумани маркази – Дўстобод шаҳрида Қодирбек Жўрабеков деган яхши инсон вафот этди. Жаноза ўқилганидан кейин маҳаллий масжиднинг домласи тўпланганларга мурожаат қилиб деди:

-Қодирбек қандай одам эди?!

-Сахий одам эди! Муҳтожларга меҳрибон эди! Саховатли инсон эди! – ана шу сўзларни юзлаб одамлар такрорлашди.

Жанозадан кейин маҳалладагилар у кишининг сахийликлари ҳақида бизга гапириб беришди. Раҳматлик жуда хайр-эҳсонга берилган одам экан. Кўпгина қорамолни семиртириб, сўнг сўйиб, гўштини насияга тарқатар экан-да, кўп болали ва муҳтож одамлардан қарзини сўрамас экан. Маҳалла оқсоқоллари: "Қодирбек қарз сўраб келганга "йўқ" деганини эшитмаганмиз, агар пули бўлмаса молини сотиб берарди", дейишди. Ҳатто умрининг охирги дақиқаларида томоғидан сув ўтмай ётганида ҳам кампирига: "Муҳтожлардан қарзингни сўрама!", деб тайинлабди. Илоё, бундай одамнинг охирати обод, ийmoни саломат бўлсин!

Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги Яланғоч қишлоғига ташриф буюрсангиз, Бекпўлат ота номини эшитмаган одамни учратмайсиз. Ҳатто етти яшар бола ҳам у киши ҳақидаги латифанамо гапларни билади. Бўлмаса Бекпўлат отанинг оламдан ўтганига ўттиз йилдан ошиб кетди. Бандаликни бажо келтирганларида чамаси саксон ёшларда эди. Ҳозир ҳам қишлоқнинг қайси қарияси билан суҳбатлашманг: "Дунёда иккита сахий одам бўлса, шунинг биттаси Бекпўлат ота эди", деган гапни эшитасиз. Мен бу гапни биринчи марта олтмишинчи йиллар бошида эшитган эдим. Ўшанда у киши пенсияга чиқиш арафасида Яланғоч ғишт заводида оддий ишчи бўлиб ишларкан.

-Уруш йиллари қишлоғимизнинг оч болаларини боққан, ажойиб одам, бир суҳбатлашиб кўринг-а, - деди менга қишлоқ қарияларидан бири.

Сўраб-суриштириб, отанинг ҳовлисини топдим. Ҳовли дарвозасини катта йўлга туташтирадиган тор йўлакчада бир қария ерга дон сепиб ўтирибди.

-Ассалому алайкум, ота! – дедим мен салом бериб.

-Ваалайкум ассалом, ўғлим. Тўхтаб тур, чумолиларни босиб оласан, ҳозир уларнинг йўлларини буриб юборай, кейин ўтасан! – деди қария.

Бироз кузатдим. Чумолилар турнақатор бўлиб йўлакчани кесиб ўтишяпти. Ўтиб турган одамлар, ўйнаб юрган бола-чақалар уларни топтаб ташлашлари мумкин. Шунинг учун қария йўлакчанинг одам оёқ босмайдиган чети бўйлаб майдаланган дон ёрмасини сепиб чумолилар йўлини ўзгартиряпти.

-Ана энди ўтавер, ўғлим, - деди у ниҳоят менга ва қўшиб қўйди: - Бу замонда иложи бўлса чумолига ҳам озор берма.

-Менга Бекпўлат ота керак эди, - дедим.

-Сен айтган одам менман, нима гапинг бор? – деди у.

-Меҳмон бўлиб келдим.

-Бўлмаса, уйга кир, кампиримнинг самовари қайнаб турибди.

Биз чой ичиб ўтирган пайтда Норбиби хола икки пақир ўрик териб қўйибди.

-Чол, уйда қанд-қурс тугаб қолибди, мен бозорга бориб, ўрик сотиб келай, - деди у эшикни қия очиб.

**(Давоми 2-бетда)**

## ГАПНИНГ ПЎСТКАЛЛАСИ

ТАБИАТ ВА ИНСОН

***"Арслоннинг насибаси – кийик", дебдилар. Арслон гўштхўр, кийик – ўтхўр. Бирининг яшамоғи фаунага, иккинчисиники эса флорага жабр. Ушбу ўриндаги "жабр" сўзига аслида қўштирноқ зарур. Чунки оҳунинг шер чангалида ҳалок бўлишида, яшил дунёнинг кийик томонидан қийратилишида қонуният бор. Ва табиатнинг ўзи бу "жабр"нинг жароҳатига малҳам қўяверади.***

Аммо табиатга зиён етказувчи антропоген (инсоний) омилларнинг оқибати ниҳоятда хатарли. Негаки, инсоният эга бўлган ақл, илм ва техниканинг табиатга таъсири тобора кучайиб бормоқда. Дарёни жиловлаган, денгизни қуритган тафаккур соҳиби Ойдан ер участкалари сотди, мана энди Марсни ўзлаштираман, деб турибди.

Қарангки, "табиатни ҳимоя қилиш" тушунчасининг ўзида ҳам парадокс бор. Чунки табиатни бугун инсоннинг ўзидан, ақлидан, илмидан, техникасидан ва бетиним ўсиб бораётган тийиқсиз эҳтиёжларидан ҳимояламоқ лозим. Даҳшатлиси шундаки, бу зарурат башариятнинг замин куррасида яшаб қолмоғи учун ҳаёт ва мамот масаласига айланиб бўлди. Эндиликда табиат ўз кушандасидан ўч олмоқда, бунга қарийб ҳар куни шоҳидмиз.

Дейлик, зилзила. Булоқлар, артезианлар, нефт, газ олиниши, кўмир кавланиши ер остини безовта қилмаяптими?

**(Давоми 5-бетда)**

МОЗИЙ

***Урганч шаҳридаги марказий кўчаларнинг бирига Анна Герман номи қўйилган. Хўш, нега энди поляк қизи, жаҳон эстрада юлдузларидан бири бўлган бу аёл номи Хоразмда абадийлаштирилган?***

1935-37-йилларда Ғарбий Украина, Россиядаги голландиялик бўлган Ирма Виктория ўзидан олдинроқ Урганчга келган Генрих Герман билан танишиб, 1935 йил оила қуришади. Бу оилада 1936 йил 14 феврал куни туғилган қизалоққа Анна деб исм қўйишади.

Анна Урганчда вояга

## АННА ГЕРМАН КИМ ЭДИ?

чегара вилоятларида яшовчи поляк, венгер, немис ва корейс миллатига мансуб аҳоли Марказий Осиё ва Қозоғистонга кўчирилади. Поляк ва корейс миллатига мансуб бир гуруҳ кишилар Хоразм вилояти туманларига жойлаштирилади.

Бу ерга кўчиб келганлар орасида келиб чиқиши

етди. Шаҳардаги 3-сонли мактабда ўқиди. Анна ўзбек тили ва урф-одатларини ҳам ўрганиб, Хоразм мусиқасининг чинакам ихлосмандига айланади. Хоразмда унинг дўстлари кўпая бошлаган пайтда, оиласи билан аввал Ғарбий Украинага, кейин Польшага кўчиб кетишади.

**(Давоми 6-бетда)**

## ОРИЯТ ЧЎҚҚИЛАРГА БОШЛАЙДИ

ИФТИХОР

***2003 йил декабр ойида Италияда ўтказилган III Умумжаҳон ҳарбийлар ўйинларида МҲСК аъзоси Дилшод Маҳмудов олтин медални қўлга киритди ва "чемпионатнинг энг яхши боксчиси", деб тан олинди.***

Дилшод бокс тўгарагига дастлаб келганида 2-синфда ўқирди. Унинг боксга кириб келиши Руфат Рисқиевники сингари осон кечмаган. Аниқроғи, ундан машҳур боксчи чиқишига кўпчилик мураббийлар ишонишмаган. Нимжон, ориқ, жиккаккина бола эди, акаси Шуҳратга эргашиб, Олимпия захиралари мактабида шуғулланмоқчи бўлганида акасининг устози Ҳамиджон Деҳқонов қарши бўлганди. Ундан боксчи чиқишига ишонмаганди. Кейинчалик акаси Шуҳрат бокс бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлиб улгурди. Шуҳрат ўнинчи синфни тамомлагандан сўнг милиция олий Академиясига ўқишга кирди. Ёш мураббий Ҳамиджоннинг орзулари пучга айланди. Ўн йиллик заҳмати зое кетгандек бўлди. У билан жаҳон ареналарида катта-катта ғалабаларни шодиёна қилмоқчи эди-да.

-Бир куни кўчада Дилшоднинг онаси Турсунойни учратиб қолдим. Салом-аликдан сўнг Шуҳрат учун узр сўради. Сўнгра, "Ҳамиджон, шу кичик ўғлим Дилшод ҳам акасидан қолишмайди. Тарбияласангиз", деб қолдилар, - дея эслайди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Ҳамид Деҳқонов. – "Хўп", дейишдан бошқа чора тополмадим.

Шу учрашувдан сўнг Ҳамиджон кўп ўйланди. Дилшоднинг отаси Маҳаммаджон ака ҳам қаршилик қилмади, спорт анжомлари, бокс қўлқоплари олиб бериб турди. Машғулот ва мусобақалар учун пулни аямади. Халқимизда "устоз – отангдай улуғ", деган ҳикматли гап бор.

**(Давоми 6-бетда)**

*Жаҳон адабиёти*

**Фаридун ТОНКАБОНИ**
***(Эрон)***

ҲИКОЯ

***У сўнгги марта сигаретни тўйиб тортди. Кейин ўчириб, сигарет қолдиғини бир чеккага улоқтирди. Палатадаги тўйган қўзидай ухлаб ётган беморларга қаради. Юзига оқ чойшабини тортди-да... бандаликни бажо келтирди.***

Унинг бу ҳарбий госпиталда ётганига чамаси саккиз ойлар... йўқ-йўқ, бир йилу икки ой

## УМР ЎТДИ-КЕТДИ

бўлди. Деразаси ҳовлига қараган палата жуда кичик эди – унга бор-йўғи учта кроват сиғарди. Ёнидаги кроватларда аллақачон анча одам алмашди – баъзилар шифо топиб, тузалиб чиқиб кетишди, баъзилар нариги дунёга риҳлат қилишди. Ҳар қалай, нима бўлганда ҳам бу ерни тарк этишди. У бўлса ҳамон шу палатада, ҳар куни унинг кўз ўнгидан бир хил одамларнинг чеҳралари лиpиллаб ўтади. Булар – врачлар, ҳамширалар, энагалар... У кўзларини юмиб туриб палатага ким кирганини овозига, қадам товушига, ҳатто нафас олишига қараб айтиб бера оларди. Врач ҳар гал уни кўргандан кейин – гарчи афти-ангоридан аҳволи бутунлай ночор экани ва ҳеч қанақа умид йўқлиги аён кўриниб турган бўлса-да, бир-икки оғиз далда берадиган гап айтиб чиқиб кетарди. Фельдшер қўлидаги шприцни баланд кўтариб, унинг бирор жойини мўлжаллаётгандай бўлиб турар, кейин эса чаққон ҳаракат билан игнани унинг баданига санчарди.

**(Давоми 6-бетда)**

**КЕЛГУСИ СОНДА:**

МУРУВВАТГА МУҲТОЖ ҚИЛМАЙЛИК

САДОҚАТ

ҚОБИЛБОЛА

# ФЕРМЕР

**"Қишлоқ ҳаёти": таҳлил, йўлланма, қўлланма** 2004 йил 16 январ № 1 (17)

3-4 - саҳифа.

## "ЛОЧИН"НИНГ ПАРВОЗИ

Қаҳрамон бўлиш осонми? Албатта, йўқ. Аслида ҳеч ким унвон учун меҳнат қилмайди. Изланиш, интилиш, чекилган заҳматлар эвазига инсон тобланиб бораверади.

Денов туманидаги "Лочин" фермер хўжалиги раҳбари Аҳмаджон Нарзуллаевнинг номи бугун бутун Ўзбекистонга машҳур. Фермер истиқлолимизнинг ўн икки йиллик шодиёнаси арафасида Президентимиз Фармони билан Ватанимизнинг энг олий мукофоти - "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган номга сазовор бўлди. Шуниси ҳам эътиборлики, худди мана шу йил фермер хўжалигининг ташкил топганига айнан 12 йил тўлганди.

Саховатда ҳам тилга тушган фермер яқинда 112 миллион сўм ҳажмидаги улкан спорт мажмуасини, 480 ўринли мактаб биносини фойдаланишга топширишда ҳиммат кўрсатди. Бундан ташқари, олийгоҳда шартнома асосида таҳсил олаётган 26 нафар талабага ҳомийлик қилишни ҳам фермер ўз зиммасига олган.



СУРАТДА: Ўзбекистон Қаҳрамони Аҳмаджон Нарзуллаев.

**Б.АКРАМОВ олган сурат.**

*ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН*

## ҲАМКОРЛИК ЮТУҚЛАР ГАРОВИДИР

Республика Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг бевосита кўмагида юртимизда бугун 40 дан ортиқ фермер хўжаликлари чет эллик инвесторлар билан ҳамкорликда ишламоқда. Масалан, Андижон туманидаги "Усмонҳожи" фермер хўжалиги Осиё ва Америка тадбиркорларини қўллаб-қувватлаш фондидан 100 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ олган. Қўрғонтепа туманидаги "Оқсув" фермер хўжалиги Туркиянинг "Акбел" фирмаси билан ҳамкорлик ўрнатган.

2003 йилнинг март ойидан қуйидаги хорижий ташкилотлар билан деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида алоқалар йўлга қўйилди:

**Иқтисодий тадқиқотлар маркази** – деҳқон хўжаликлари томонидан етиштирилган маҳсулотларни сотишга кўмаклашиш мақсадида грант лойиҳаси ишлаб чиқмоқда.

**"Агро БИ" Агробизнес Инкубатор** – Тошкент вилояти деҳқон ва фермер хўжаликларининг юридик консалтинг ва бошқа соҳалар юзасидан семинар йиғилиши ташкил этилди.

**Прагма корпорацияси (АҚШ)** – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш ва уюшма билан ҳамкорликда деҳқон ва фермерларни қўллаб-қувватлаш саъй-ҳаракатлари бошлаб юборилган.

Конрад Аденауэр жамғармаси билан фермер хўжаликларини ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш мавзуида семинар ўтказиш юзасидан дастур ишлаб чиқилди.

**(Давоми 2-бетда)**

## ЗАМОН - ФЕРМЕРНИКИ!

«Фермер»нинг янги сони қўлингизда. Бемалол ўқиб, мулоҳаза юритсангиз бўлади. Хўш, бугун қишлоқда ким яхши яшаяпти? Ободончилик, яратиш, эзгулик юмушларига ким кўпроқ ҳисса қўшаётир? Фермер ва деҳқон хўжаликларининг соҳиблари эмасми? Ердан дур ундириб, маҳсулотини қайта ишлаб хорижга экспорт қилишни кўзлаётган мулкдорлар ҳам оз эмас. Улар орасида маслаҳату жўяли таклифга эҳтиёжмандлар ҳам бор. Чунки Президентимизнинг ўтган йил 27 октябрдаги "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида"ги Фармони ва шу ҳужжат асосида қабул қилинган ҳукумат қарори мамлакатимизда мулкдорлар синфини ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатдан янги поғонага кўтарди. Бу сизу бизга ҳам масъулият юклади. Республика Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси билан ҳамкорликда тайёрланган "Фермер"нинг янги йилдаги илк сонини ана шу эътибору масъулиятнинг меваси, десак бўлади.

Сайру саёҳат, хориж тажрибасини ўрганишга таъбингиз қалай? Дунё мамлакатлари ҳаёти хусусидаги мақолалар ҳам кўпчиликни қизиқтирса керак. Хуллас, "Фермер" ранг-баранглиги билан сизга манзур бўлади, деган умиддамиз. Таклифлару мулоҳазалар бўлса, марҳамат, ёзиб юборинг.

# ҲАМКОРЛИК ЮТУҚЛАР ГАРОВИДИР

(Боши 1-бетда)

**"ТАСИС" дастури** Қашқадарё вилоятида "Ўзбекистонда бандлик имкониятларини ривожлантириш" лойиҳаси бўйича амалий натижаларга эришмоқда.

**Япониянинг "Жайка"** халқаро агентлиги билан ҳамкорлик ўрнатилиб, 2004 йилнинг март ойидан сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш юзасидан (Япониянинг "Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси" мутахассислари билан) барча вилоятларда семинарлар ўтказиш режалаштирилган.

Сорос, "Айрекс", "Фермер-фермерга" лойиҳалари билан ҳамкорликда ишлаш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Европа Тикланиш ва Тараққиёт банкининг 700 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари ҳисобидан уюшма қошида "Қишлоқ бизнеси учун маслаҳат хизмати" унитар корхонаси ташкил этилди. Мазкур лойиҳанинг асосий мақсади фермерлар ва қишлоқ хўжалик корхоналарига ҳуқуқий масалаларда ёрдам беришдан иборатдир. Шу муносабат билан Сорос жамғармаси томонидан 26 минг АҚШ доллари миқдорида грант маблағи ажратилди. Шу кунгача 5 та тумандаги 823 нафар фермерга турли масалаларда юридик хизматлар кўрсатилди.

Жорий йилда фермерлар ва қишлоқ хўжалик корхоналари учун кредит маблағларини ўзлаштириш мақсадида умумий қиймати 3 миллион 136 минг 500 АҚШ долларига тенг бўлган 187 та бизнес-режа тайёрланди. Йил давомида учта тижорат банклари томонидан 125 та лойиҳа бўйича умумий қиймати 337,5 минг АҚШ долларига тенг бўлган кредитлар ажратилди, шундан умумий қиймати 993,5 минг АҚШ долларига тенг бўлган 84 та лойиҳа Маслаҳат маркази томонидан тайёрланди.

### МУАММО ВА КАМЧИЛИКЛАР

1. Бугун фермерни ўз маблағларидан эркин ва мустақил фойдалана олмаслик, яъни банк операцияларидаги мавжуд муаммолар қийнамоқда. Давлат буюртмаси асосида берилаётган бўнак (аванс) ва имтиёзли кредитлар транш – белгиланган схема бўйича берилиши ҳамда бу маблағларнинг аксарияти банклардаги махсус 23204 ҳисоб рақамига тушиши натижасида фермерлар ўз маблағларидан тўлақонли фойдалана олмаяптилар.

2. Траншда муқобил МТПлар, лизинг учун тўловлар белгиланмаган.

3. Деҳқон ва фермер хўжаликларидаги мавжуд чорва молларининг кучли озуқаларга бўлган талаби қондирилмаяпти. Кучли озуқалар нархи юқори бўлиб, бирламчи маҳсулотлар нархига тенг бўлмоқда. Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида бундай озуқаларни арзон нархда олиш имкони йўқ.

### ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР

1. Тугатилаётган хўжалик ҳудудида олдиндан ташкил этилган фермер хўжаликларига агар улар истаса ва техникалари, фойдаси, ишчи кучи бўлса, қўшимча ер майдони ажратилиши мақсадга мувофиқ.

2. Комиссиялар томонидан тендер танловлари юзаки ўтказилиб, баъзи фермер хўжаликларини ташкил этишда танишбилишчилик ҳолатларига ҳам йўл қўйилмоқда. Оқибатда айрим фермерларнинг билим ва тажрибалари етишмаслиги сабабли фермер хўжалигининг 2-3 йилдан кейин ёпилишига ёки олган ерларини ташлаб кетишларига сабаб бўлмоқда.

3. Ташкил қилинган СФУлар фақатгина сув тақсимотчиси сифатида фаолият кўрсатиб, улар зовур ва дренажлар, суғориш тармоқларини таъмирлаш, гидропостлар қуриш масалаларига жиддий эътибор бермаяпти.

4. Тугатилаётган ширкат хўжаликлари негизида ташкил этилаётган фермер хўжаликларининг ихтисослашувига етарлича эътибор қаратиш лозим, яъни чорвачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик ва бошқа йўналишларда ҳам фермер хўжаликлари ташкил этилишига жиддий эътибор қаратилиши керак.

5. Дон ва чигит маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган кучли чорва озуқаларининг нархларини қайта кўриб чиқиш даркор.

Наслчиликка ихтисослашган ва йирик фермер хўжаликларидаги чорва молларини кучли озуқалар билан таъминлаш учун ем биржа савдоларига қўйилмасдан, тўғридан-тўғри фермер хўжаликларига сотилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Озуқа экин майдонларини ўриб-йиғиб олишга мўлжалланган комбайн ва бошқа техникаларнинг ишлаб чиқарилишига жиддий эътибор қаратилиши керак.

Тугатилаётган ширкат хўжаликларидаги техникалар фермер хўжаликларининг ер майдонларига қараб шартнома асосида узоқ муддатли ижарага (кейинчалик сотиб олиш ҳуқуқи билан) берилиши керак.

6. Ташкил этилаётган муқобил МТПларда мустаҳкам техника базасини яратиш учун эҳтиёт қисмларни, керакли тиркамалар ҳамда янги техникаларни лизинг асосида бериш лозим.

Муқобил МТПлардаги мавжуд техникаларни гаровга қўйган ҳолда янги техникалар олиш учун узоқ муддатли кредитлаш механизмини жорий этиш керак. Ташкил этилаётган муқобил МТПлар хусусийлаштирилиши лозим.

7. Фермер хўжаликларига ЁММлари фондларини ҳақиқий талабдан келиб чиқиб, "Бизнес-режа" асосида ажратилиши мақсадга мувофиқдир.

Ва ниҳоят, яна бир гап. Азиз фермерлар, тил билишга, ҳисоб-китоб ишларини компьютерлар орқали бажаришга интилинг. Хорижий тилни ўрганиш эса қунт ва ҳафсала етарли бўлса, унчалик қийин эмас. Вақтдан қизғансангиз ё бу ишга ҳафсалангиз етмаса ўғлингиз ё шогирду ишчингизга имкон беринг. Шунда дунёни билиш, ўрганиш имкони туғилади. Тил билиб озгина фойда кўрган мулкдор эса компьютер сотиб олиб, интернет оламига саёҳат қилади. Э-ҳе, бу не-не таклиф, бизнес ғоялар дегани.

Сизга омад, жаноб фермерлар!

**Мирзоҳид ЙЎЛДОШЕВ,**
**Республика Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг бўлим бошлиғи.**

*БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ...*

# ДУНЁ КЕЗИБ, ТАЖРИБА ЎРГАНИНГ

Дунёда ишбилармон фермерлари билан тилга тушган Голландия мамлакатининг аҳолиси 16 миллионни, ер майдони 41 минг 526 кв.километрни ташкил этади. Аҳоли зичлиги жиҳатидан у Бангладеш ва Тайвандан кейин жаҳонда учинчи, Европада эса биринчи ўринни эгаллайди.

Мамлакат Бенилюкс, НАТО, Европа иқтисодий ҳамкорлиги каби халқаро уюшмалар аъзоси, евровалюта амал қиладиган ҳудудлар сирасига киради. Мамлакат иқтисодиёти катта муваффақият билан ривожланмоқда: "Шелл", "Филлипс", озиқ овқат маҳсулотлари ва ювиш воситалари ишлаб чиқарадиган "Юниливер" каби компаниялари дунёга машҳур. Голландияда бугунги кунда ҳам кемалар ясалади ва катта кўламда балиқ тутилади. Қишлоқ хўжалиги, айниқса сут-гўшт маҳсулотлари етиштириш соҳаси ривожланган. Бундан ташқари гулчилик, айниқса, манзарали ўсимликлар етиштириш тараққий этган. Голландия лолалари жаҳонда донг таратган десак, муболаға бўлмайди.

Бозорлари шу қадар тўкин-сочинки, етиштирилган барча маҳсулотни мамлакат ичкарисида сотишнинг иложи йўқ. Шунинг учун ҳам экспортга катта эътибор берилади. Жуғрофий жойлашишининг ўзиёқ мамлакатга катта даромад келтиради: юклар транзити, ташиш, сақлаш дегандек... Роттердам – дунёдаги энг йирик портлардан саналади. Уни "Европанинг денгиз дарвозаси" деб аташлари ҳам бежиз эмас. Ҳар олти голландияликнинг бири транспорт-омбор фаолияти билан шуғулланади.

"Голландия – бу бир туш каби", деб ёзган эди машҳур адиб Альбер Камю. Амстердамнинг бетакрор чиройи, Давлат музейидаги Рембрант асарлари.Эҳ-ҳе... Гаага, Роттердам шаҳарларини ҳам албатта кўрмоқ керак. Ҳар бир аҳоли пунктида фақат ўша жойнинг ўзигагина хос ажойиботлари мавжуд. Масалан, Ноорбрук шаҳрида "Дазмоллар музейи", Хассэлт шаҳридаги кўприкнинг собиқ қоровулхонасида икки кишилик "Килиазн" номли ресторан бор.

Аввалги Голланд гульденлари ўрнига эндиликда евро ва евро центлар муомалада. Хуллас, ўзини замонавий, зўр фермер, дея ҳисобламоқ учун Голландияни кўрмоқ, саёҳат қилмоқ, у ерда шаклланган деҳқончилик тажрибаларини ўрганмоқ керак.

**Лазокат МАМАТКУЛОВА**

# ТЕХНИКА КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!



Бугун юртимизда 2 та - "Тошкент трактор заводи" ва "ЎзКейсТрактор" қўшма корхоналарида турли русумли тракторлар ишлаб чиқарилмоқда.

"Тошкент трактор заводи" қуйидаги техникаларни ишлаб чиқармоқда:

30 от кучига эга бўлган BY-300, BY-304-2 минитрактори (Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда) ва унга тиркаладиган 10 хилдаги мосламалар.

60 от кучидан тортиб 100 от кучигача бўлган 3 ва 4 ғилдиракли ТТЗ-60, ТТЗ-80, ТТЗ-100 универсал-чопиқ тракторлари.

"ЎзКейсТрактор" қўшма корхонаси қуйидаги техникани ишлаб чиқармоқда:

140 от кучига эга бўлган "МХМ-10" универсал-чопиқ трактори ("Кейс-Нью Холланд" компанияси билан ҳамкорликда, АҚШ) – нархи 56200 евро.

"Тошкент трактор заводи" бўйича

| | Трактор русуми | Нархи<br>қўшимча қиймат солиғи билан |
|---|---|---|
| 1. | ТТЗ-60.10 | 10 миллион 878 минг сўм |
| 2. | ТТЗ-60.11 | 11 миллион 830 минг 200 сўм |
| 3. | ТТЗ-80.10 | 12 миллион 163 минг 800 сўм |
| 4. | ТТЗ-80.11 | 13 миллион 105 минг 200 сўм |
| 5. | ТТЗ-100К.10 (универсал-чопиқ трактори) | 15 миллион 66 минг сўм |
| 6. | ТТЗ-100К.11 (пахтачилик трактори) | 15 миллион 387 минг сўм |
| 7. | Мини-трактор МТ-30 (BY-300) | 6 миллион 790 минг сўм |
| 8. | Мини-трактор МТ-30 (BY-304-2) | 7 миллион 672 минг сўм |

Культиваторнинг нархи– 2 миллион 564 минг сўм. Мутахассисларнинг айтишича, фермер заводларга келиб ёки вилоятлардаги техника марказларига учраб ўзига қайси техника керак, тўловни қайси ҳисобдан қилмоқчи, шуни асослаб берса бас. Тракторни олаверсин. Техника сотиб олишнинг усуллари қуйидагича:

а) заводдан тўғридан-тўғри шартнома асосида.

б) "Ўзқишлоқхўжаликмаш-лизинг" компаниясидан лизинг асосида.

в) АТ "Пахта-банк" томонидан мини-тракторларга берилаётган мини-кредит асосида.

Эслатма: **завод вилоятлардаги Техник Марказлари орқали техникани истеъмолчи айтган жойга етказиб беради.**

Қўшимча маълумот:

Кейинги 3 йил мобайнида "Тошкент трактор заводи" томонидан Республикамиз хўжаликларига лизинг асосида 5352 дона, "ЎзКейсТрактор" қўшма корхонасидан эса 201 дона трактор етказиб берилди.

2003 йилда республикамиз қишлоқ хўжалиги тизимига 2590 дона трактор етказиб берилди.

2004 йилда бу рақам "Тошкент трактор заводи"да 3500 донани, "ЎзКейсТрактор" қўшма корхонасида 200 донани ташкил этиши кутилмоқда.

**Шавкат БОЙМЕТОВ,**
**"Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг" компанияси масъул ходими.**

*ТАҲРИРИЯТГА ХАТ*

# АДОЛАТ ҚИЛИНИШИГА ИШОНАМАН

Бекобод туманидаги Ойбек номли хўжаликда 40 йил ишладим, тажриба орттирдим. Афсуски, ширкатимиз охирги йилларда ночор аҳволга тушиб қолди. Шу боис ҳукуматимизнинг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарорига кўра жамоа ерлари танлов асосида фермерлар ўртасида тақсимланадиган бўлди. Танловда ғолиб чиқиб, фермер бўлсак астойдил ишлаймиз-да, деб ўйладим. Комиссияга фермер бўлиш учун ариза бердим. Чунки шахсий техникам бор, ғолиб чиқишимга ишонардим-да. Афсуски, менга ер тегмади. Назаримда, танлов комиссияси холисона иш юритмади. Бу ерда қандайдир бир "сир" борга ўхшайди, деб ўйлайман. Нотўғри муносабат умрини шу пайкал, шу далага бағишлаган одам учун жуда оғир ботар экан. Хўш, айтинг, менинг имкониятим бошқаларникидан камми? Юқори идоралар масалани холисона кўриб чиқиб, тўғри ҳал этишларига ишонаман.

**Боймахмат ҲАМРОЕВ,**
**Бекобод тумани.**

*МАСЛАҲАТ*

# ЎҒИТЛАШ

Минерал ўғитларни ерга солишдан илгари унинг тупроқдаги захираларини аниқлаб, ҳар бир тупроқнинг ҳолати агрохимкартограмма асосида эътиборга олиниши керак. Тупроқнинг унумдорлик даражасига қараб ҳосилдорлик режаси тузилади. Ундан кейин муайян контур учун ўғитни қўллаш миқдори, тури, ишлатиш муддати, усуллари белгилаб олинади. Шунга кўра ўғитларни асосий ўғитлаш ёки вегетация даврида озиқлантиришга ажратилади.

# АСОСИЙ ЎҒИТЛАШ

Фосфорли ва калийли ўғитлар ўсимлик ҳаётида жуда муҳим ўрин тутади. Агар буғдой ўсимлиги фосфорга тўймаса, бошоғининг пастидаги донлари тўлиб, юқоридаги донлари пуч бўлиб қолади. Натижада бошоқлар сонига қараб 70-80 центнер деб башорат қилинган далалардаги ҳосил 30-40 центнердан ошмайди.

Калийли ўғитлар фосфор ва азотнинг буғдой ўсимлиги томонидан тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлайди. Афсуски, калий ўғитининг бугунги кунда камлиги сезилиб қолмоқда.

Тупроқларимиздаги калийнинг етишмаган ўрнини маҳаллий ўғитлардан гўнг, компост ва фекал киритиш йўли билан тўлдириш мумкин. Улар минерал ўғитларнинг самарадорлигини 1,5-2 баравар оширади.

Суперфосфатни тупроқнинг чуқур ҳайдалма қатламига ташланганда, унинг буғдой ўсимлиги томонидан ўзлаштирилиши 5 марта юқори бўлади.

# БИРИНЧИ ОЗИҚЛАНТИРИШ

Буғдой ўсимлигидан мўл ҳосил етиштиришнинг бирдан-бир кафолати уни тўғри озиқлантиришдир. Ўз вақтида озиқлантирилса, буғдой ҳосилдорлиги 100 центнердан ҳам ошиб кетиши мумкин.

Экишнинг дастлабки ривожланиш даврида унга азотли ўғит берилган бўлса, буғдой ўсимлиги яхши ривожланиш ҳисобига илдизларини совуқдан сақлаш учун ўзини-ўзи ўраб олади. Баҳорда тупроқнинг исиши билан ўсимлик уйғониб, жадал ривожланишга киришади. Шунинг учун қишда 100-110 кг карбамидга 250-300 кг қуруқ гўнг қўшиб бериш лозим. Акс ҳолда деҳқон 15-20 центнер дон ҳосилини йўқотади. Шунинг учун ҳам биринчи озиқлантиришга алоҳида аҳамият бериш керак.

**Ҳасанбой АБДУСАМАТОВ**

**ИБРАТ**

# ОЛТИАРИҚ МЎЪЖИЗАСИ

Қўқондан пиёда йўлга чиққан шоир Муқимий Олтиариққа етиб келганида жала остида қолиб, шалаббо бўлган, қуёш чиққанида эса Олтиариқ қишлоғи марказидаги катта чинор тагида ўтириб, шу ерликлар марҳамати билан иссиқ чой ва бир бош узум тановул қилган экан. Шоир баҳор оёқлаётган кезда яхши сақланган узумни кўриб, ҳайратини яшира олмаган ва чинортагиликларга меҳри тушган. Шундай бўлса-да, шоир ўз "Саёҳатнома"сида Олтиарикда селда қолганини ёзгану, чинортагилик миришкор узумчилар ҳақида индамай қўя қолган. Ана шу улуғ шоирнинг эсидан чиқиб қолган уста узумчилар ҳақида ёзиш бизга насиб этди, шекилли...

Меҳнат фахрийси Ҳомиджон ака Қўшматовга 0,14 гектарлик узумзор отаси Қўшмат бувадан қолган. Узумга қарашни ҳам отасидан ўрганган. Ҳозирги Навоий номли жамоа хўжалигида 33 йил трактор минди, лекин узумзордан меҳрини узмади. Шўро даврида "узумзорингни бузамиз, катта экан", деганларида худонинг зорини қилиб, далада кеча-кундуз қилган меҳнати билан сақлаб қолди. Узумзорда 1924 йили экилган, урушдан қайтиб келмаган акаси Шукуржон экиб кетган ток ҳам бор. Асосан оқ ҳусайни ва "келин бармоқ" навли узумлар. Ўғилларининикида ҳам узумзорлар бор. Ўтган йили Ҳомиджон ака 5 тонна узум етиштирди. Нақд 8 миллион сўмлик даромад қилди. Бу пул ўз-ўзидан қўлига келиб тушиб қолгани йўқ. Олтин қўллари билан узумларни суйиб, меҳр билан парваришлаб топди бу пулларни.

Бошқа қишлокдагилар чинортагилик узумчиларнинг бир сирлари бор, деб ўйлашади. Балки шундайдир. Лекин шу сир ҳам меҳнатда бўлса керак. Бу меҳнат эса осон эмас, қишин-ёзин, баҳору куз давом этади.

-Февралда узумларни кесамиз, - деб ҳикоя қилди Ҳомиджон ака. – Апрел ойида токнинг пастки танасини дорилаймиз. Кейин ток остига гўнг, аммофос соламиз. Гулдан олдин ва кейин хомток қиламиз. Ҳавога қараб 8-10 марта суғорамиз, остини юмшатамиз. Токларга йилда бир бор олтингугурт сепамиз. Узумни 15 октябрларда узиб, керагини сотиб, қолганини сақлашга қўямиз. Сақлашда гап кўп. Уй ичидаги ҳарорат доим бир хил, 5 градусдан ошмаслиги керак. Айниқса, узумни тумандан асраш керак, туман кўрган узум дарров қорайиб, айнийди.

Ўтган йил кузда Ҳомиджон ака бир ишга қўл урди. Токлар остига арпа экди. Ҳозир бу арпа ниҳоллари яшнаб ётибди. Узум гуллагунча бу арпа пишар экан. Ана сизга ердан оқилона фойдаланиш.

Оилада шу узум даромади боис тўкинлик бор, 8 жоннинг юзлари қипқизил, болаларнинг илиги тўқ. Енгил машиналар ва аравачали мотоцикллари бор. Оғилхоналарида 10 бош мол ва қўй боқиляпти. Умуман олганда эса, узумдан келган ва бошқа даромадлар бўлиб, ўтган йили жон бошига ўртача 1,7 миллион сўмга тўғри келади. Шу боис боғбон неварасининг тўйига от миниб борди. Бу йил ҳам 2 неварасига тўй қилмокчи.

Абдулла ака Ғофуров ҳам уста узумчилардан. Унинг хонадонидаги узумзорни барпо этишда қўшниси, юқорида тилга олинган Ҳомиджон аканинг ҳам ҳиссаси бор. Узумдан келган даромад туфайли оилада ҳамма нарса бор. Шу узум туфайли 2 та енгил автомашинали бўлган. Айни чоғда омборхонасида яна 2 тоннача узумни асраб турибди.

Шу қишлоқлик Ёқубжон ака Қипчоқов ҳам ўтган йили узум ва бодрингдан 6 миллион сўмлик даромад қилди. Томорқадан самарали фойдаланаётганлар орасида Нўъмонжон ҳожи Низомов ҳам бор. У 1972 йил 14 сотих жойда узумзор барпо қилган. Ўтган йил 7 миллион сўмлик узум етиштирди. Ипак қурти парваришлаб, 200 кило пилла топширди. Оиланинг даромади 9 миллион сўмдан ошди.

-Ҳаммаси меҳнатга боғлиқ, - дейди Нўъмонжон ака. – Тек турсангиз худо ҳам бермайди, ишласангиз топасиз.

Қишлоғимизда ҳамманикида узум бор. 5 туп токига дурустроқ қаролмаётган, дуруст даромад қилолмаётганлар ҳам учраб туради. Ҳамманинг ҳам қўлидан келавермас экан-да. Лекин узум орқасидан яхши яшаётган, миллионер бўлиб бораётган одамларимиз жуда кўп. Деҳқон хўжалиги имкониятлари жуда катталигини шу ерларда кўришингиз мумкин.

...Ҳадемай баҳор келади. Кесилган ток новдаларидан тўкилган шаффоф томчиларга қизчалар сочларини ювадилар. Ёзда ишкомларда олтин узум бошлари битади. Кузда узумзор кимларни мафтун этмайди, дейсиз.

**Холиқназар ЖЎРАБОЕВ**

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ УЧУН 1 ГЕКТАР МАЙДОНГА КЕТАДИГАН МОДДИЙ ХАРАЖАТЛАРНИНГ ЎРТАЧА МЕЪЁРИ

| № | Маҳсулот тури | уруғлик | ЁММ | Ўғит (кг) | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Жами | Шу жумладан | | |
| | | | | | азотли | фосфорли | калийли |
| 1 | Пахта | 60 | 277 | 435 | 220 | 150 | 65 |
| 2 | Ғалла (сувли) | 200 | 168 | 340 | 180 | 110 | 50 |
| 3 | Ғалла (лалми) | 100 | 168 | 90 | 50 | 40 | - |
| 4 | Шоли | 200 | 186 | 510 | 210 | 140 | 160 |
| 5 | Сабзавот | 3-12 | 132 | 350 | 170 | 105 | 75 |
| 6 | Полиз | 5 | 148 | 220 | 70 | 105 | 45 |
| 7 | Картошка | 3300 | 135 | 245 | 140 | 90 | 65 |
| 8 | Макка (дон учун) | 30 | 169 | 420 | 200 | 130 | 90 |
| 9 | Макка (силос учун) | 35 | 138 | 400 | 200 | 120 | 80 |
| 10 | Беда | 18 | 122 | 240 | 100 | 90 | 50 |
| 11 | Мевали дар | - | 100 | 275 | 120 | 90 | 65 |
| 12 | Узум токлари | - | 156 | 305 | 140 | 95 | 70 |
| 13 | Каноп | 10-20 | 138 | 350 | 170 | 130 | 80 |

## БИР БОШ ЧОРВАНИ ШАРТЛИ МОЛ БОШ СОНИГА АЙЛАНТИРИШ КОЭФФИЦИЕНТЛАРИ

| | |
|---|---|
| Сигирлар ва наслли буқалар | 1,0 |
| Ёш қорамоллар | 0,6 |
| Чўчқалар | 0,16 |
| Қўй ва эчкилар | 0,1 |
| От ва туялар | 1,0 |
| Парранда | 0,25 |
| Нутрия ва қуёнлар | 0,08 |
| Асалари уяси | 0,2 |

# ФЕРМЕР СЎРАЙДИ...

**? Фермер хўжалиги қандай ташкил этилади? Бу ҳақдаги ариза рад этилганда у кимга мурожаат қилиши мумкин?**

**Жавоб:** Фермер хўжалигини ташкил этиш шартлари ва тартиби асосан Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжаликлари тўғрисида"ги қонуни 5- ва 6-моддалари билан тартибга солинади.

Президентимизнинг "Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги ва "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини риволжлантириш концепцияси тўғрисида"ги Фармонларида кўзда тутилган долзарб вазифаларни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, фермер хўжаликларини ташкил этилиши масаласида, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнига мос равишда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Фермер хўжалиги ихтиёрий равишда туман ҳокимлигига хўжалик ташкил этувчининг ёзма мурожаати асосида ҳамда танлов асосида тузилиб, заҳира ерлардан, юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалиги ерларидан, қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари ерларидан танлов асосида узоқ муддатли ижарага берилади.

Туман ҳокимининг танлов ўтказиш тўғрисидаги қарори эълон қилинганидан кейинги 1 ой муддат ичида ер участкалари ажратиш танлови ўтказилиши керак.

Ер участкалари ажратиш тўғрисидаги аризалар, топширилиши лозим бўлган ҳужжатлар билан биргаликда юқоридаги муддатга туман ҳокимига берилади.

Туман ҳокими қошидаги ер участкалари бериш (сотиш) комиссияси танлов ўтказиб, тегишли қарор чиқаради. Туман ҳокими мазкур комиссия қарори асосида 3 кунлик муддатда фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисида ва ушбу қарорни танлов комиссияси ҳужжатлари билан биргаликда вилоят ҳокими бошчилигидаги комиссияга тасдиқлаш учун юборади.

Фермер хўжалиги фаолиятини юритиш учун ижарага ер майдонлари бериш ҳақидаги туман ҳокими қарори вилоят ҳокими бошчилигидаги ер майдонларини ажратиш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссияси томонидан тасдиқланганидан сўнг кучга киради, яъни фермер хўжалиги юридик шахс сифатида ердан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Туман ҳокимлиги томонидан фермер бўлиш истагини билдирган шахснинг ёзма мурожаати асоссиз рад этилганда ёки вилоят комиссияси томонидан туман ҳокимининг ер ажратиш тўғрисидаги қарори рад этилганда, туман ҳокимининг ҳамда вилоят ҳокими бошчилигидаги комиссия қарорлари устидан судга ёки бўйсуниш тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга шикоят қилиниши мумкин.

Бу тартиб ширкат хўжаликлари негизида ташкил этилаётган фермер хўжаликларига ҳам тааллуқлидир.

**? Фермернинг имконияти етарли бўлгани сабабли у қўшимча ер сўради. Бу сўров қайси ҳолатда рад этилиши мумкин?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 апрелдаги "Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорида Уюшманинг асосий вазифаларидан этиб деҳқон ва фермер хўжаликларида ерлардан фойдаланилишини мунтазам ўрганиш, ер участкаларини қўшимча равишда ажратиш тўғрисида тегишли ҳокимликларга таклифлар киритишлик белгиланган.

Шунингдек, ушбу қарорда Уюшмага деҳқон ва фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш фаолиятлари тўғрисидаги ҳисоботлар ўрганилиб чиқилгандан кейин қўшимча ер ажратиш ёки уларни олиб қўйиш тўғрисида туман ҳокимликларига таклифлар киритиш ҳуқуқи ҳам берилган.

Ердан самарали фойдаланиш, деганда ердан фойдаланишда агротехника қоидаларига қатъий риоя этиш, ер унумдорлигини узлуксиз равишда ошириб бориш, ердан мақсадли, бизнес режада кўзда тутилган йўналишларда фойдаланиш, ўз шартномавий мажбуриятларини оширғи билан сифатли бажариш, ернинг талон-торож этилишига мутлақо йўл қўймаслик, қонунларга қатъий риоя этишлик ва бошқа ҳолатлар тушунилади.

Демак, юқорида таъкидланган тартиб-қоидаларга риоя этмаслик фермерга қўшимча ер ажратишга монелик қилади.

**? Фермер хўжалиги фаолиятини қайси ташкилот назорат қилишга ҳақли?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ мамлакатда қонунларнинг тўғри татбиқ этилиши юзасидан назорат прокуратура органларига юклатилган.

Деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳам бундан мустасно эмас.

Ўзбекистон Республикаси "Фермер хўжаликлари тўғрисида"ги қонунининг 29-моддасида фермер хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда Тадбиркорлар палатаси ва уларнинг жойлардаги ҳудудий органлари томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Маълумки, фермер хўжаликлари юридик шахс сифатида ўзларининг ҳуқуқий муносабатларини барча хўжалик юритувчи субъектлар билан тенг ҳуқуқли шартномалар асосида белгилайдилар.

Шартномавий муносабатларга киришилган корхоналар, жисмоний шахслар, банк муассасалари ҳамда бошқа ташкилотлар улардан шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажаришликни талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Қонунчиликда белгиланган тартибда эса шартномавий мажбуриятлар бажарилишининг қонунийлигини мониторингдан ўтказа оладилар.

Масалан: Фермер хўжалиги тижорат банклари нодавлат нотижорат жамғармаларининг кредит маблағларидан фойдаланган тақдирда ушбу банклар ва жамғармалар ажратилган кредит маблағини мақсадли ишлатилишини, шартномада кўрсатилган тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишини ўрганиш (текшириш) ҳуқуқига эгадирлар.

Шунинг билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларида, бир қатор меъёрий ҳужжатларда, "Фермер хўжаликлари тўғрисида"ги Қонуннинг 23-моддасида фермер хўжаликларининг хўжалик фаолиятига давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳамда бошқа органлар ва ташкилотларнинг, уларнинг мансабдор шахсларининг аралашувига йўл қўйилмайди, деб белгиланган. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳамда бошқа органлар ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларининг ва фуқароларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) мансабдор шахсларнинг фермер хўжалигига нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган мажбуриятларини лозим даражада бажармасликлари оқибатида фермер хўжалигига етказадиган зарарлар, жумладан, бой берилган фойда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундирилиши ҳам белгиланган.

**Саволларга жавобларни Ўзбекистон Республикаси Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси юридик бўлими бошлиғи Умурзоқ ЖАЛИЛОВ тайёрлади.**

*ИЗЛАНИШ*

# МИСТЕР ФАТТОЕВ

Ёқуб ака 1995 йилни яхши эслайди. Унинг фермер хўжалигига таркибида бир гуруҳ америкалик ишбилармонлар ҳам бўлган Жаҳон банки вакиллари ташриф буюришган эди. Таржимон кўмагида фермер амалга оширган ишлар билан яқиндан танишган меҳмонлар жўнаш тараддудига тушдилар. Шунда Ёқуб аканинг меҳмоннавозлиги тутди. Шу пайтгача сир бой бермай турган фермер инглиз тилида "Биз, ўзбекларда меҳмон энг азиз инсон саналади, бир пиёла чойга марҳамат", деди.

Океан ортидан келганлар инглиз тилида равон сўзлаётган фермерга қараб, дастлаб таажжубланишди. Қаранг, оддий бир ўзбек деҳқони инглизча қилиб бурро-бурро гапирса-я.

-Америка Қўшма Штатлари билан ҳамкорлигимизга аслида айни ўша дамда пойдевор қўйилганди, - дея эслайди Ёқуб Фаттоев. – Бу ҳамкорлик 2001 йилга келиб амалий тус олди. АҚШнинг Мерилэнд университетида малака оширдим.

Айтиш жоизки, 16 та коллежни ўз ичига олган бу университетда 35 минг талаба сабоқ олади. Бу даргоҳ фермерларни ҳам қайта ўқитиб, билимларини оширади. Ёқуб акадаги интилувчанлик, ишбилармонлик, иштиёқ шу университет билан ҳамкорликда ҳам бўй кўрсатди. 2001 йилда Бухоро давлат университетида Америкадаги олийгоҳнинг кенгайтирилган хизматлар маркази очилди. Ёқуб Фаттоев Мерилэнд университети ҳузуридаги қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурслар коллежининг Бухородаги вакили этиб тайинланди. Кўп ўтмай, Бухоро қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида ҳам шу марказ бўлими фаолият кўрсатишга киришди.

-Марказ замонавий компьютерлар ва бошқа зарур жиҳозлардан иборат ўқув лабораториясига эга, - дейди Ё.Фаттоев. – Талабалар, шунингдек фермерларга махсус ўқув дастури асосида сабоқ бериляпти. Интернет орқали АҚШдаги фермерчилик ҳаракати, уларнинг иш услублари, техника таъминотига доир зарур маълумотларни беминнат олиш мумкин.

Бултур марказ бўлимлари яна биттага кўпайди. Ромитан аграр коллежида ҳам шундай бўлим очилди. Туманда ҳозир дала ишлари буткул фермерчилик асосида ташкил этилгани инобатга олинса, бу бўлим ромитанлик фермерларнинг билим ва малакаларини оширишда жуда қўл келиши аён. Чунки маҳсулотни сотиш, уни қайта ишлаш борасида ҳали муаммолар кўп.

Дарвоқе, Ёқуб ака ана шундай ташкилий ишлар билан бўлиб, ўз хўжалигидаги юмушларга улгура олаяптими? Ҳайрият, хавотиримиз ўринсиз экан.

-2003 йилда "Купава" навли буғдойнинг ҳар гектаридан 97 центнердан ҳосил олдик, - дейди у. – Варахшадан дур ундирдик, десам хато қилмайман. Ҳар бош соғин сигир маҳсулдорлиги ўртача 4600 литрни ташкил этди. Қишлоқда сутни қайта ишловчи цехимиз бор. Ўнлаб хонадонлар эҳтиёждан ортиқча сутни цехимизга топшириб, шунинг ортидан рўзғорларига қут-барака киритаяптилар.

Фермер истиҳола қилиб, бир гапни айтмади. "Фаттоев" фермер хўжалиги Пешку туманидаги 18-мактабни ўз ҳомийлигига олган. Аълочи ўқувчиларга стипендия бермоқда.

"Дўстлик" ордени соҳиби Ёқуб акани куни кеча хуш кайфиятда учратдик. "Яқинда Америка Қўшма Штатларида бўлиб қайтдим. Мерилэнд университети билан ҳамкорлигимиз ўзаро келишувга кўра, яна уч йил муддатга чўзилди", дейди у.

Ҳа, бир киши ариқ чиқаради, сувидан минг киши баҳраманд бўлади. Ёқуб аканинг меҳнатини ҳам шунга қиёслаш мумкин.

Сизга тасанно, фермер!

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**



**Бекниёз Отабоев (суратда) фермер бўлиб обрў топди, элга танилди. Мана бир неча йилдирки, у бошчилик қилаётган "Камол бахши" фермер хўжалиги Қонликўл туманида биринчилардан бўлиб шартномавий режани бажариб келмоқда.**

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

*ИНТИЛИШ*

# ШАҲАРДАН ЧИҚҚАН ДЕҲҚОН

Наманган шаҳрининг қоқ маркази – Чорсу мавзесида униб-ўсган Сожидахон опа Маҳмудова қарийб 55 йилдирки, деҳқончилик билан шуғулланиб келади. Бунга айримлар ишонмаслиги мумкин. Ахир Сожидахон опа шаҳарлик бўлса... Бироқ, шу ўтган вақт мобайнида бу аёл бажарган ишларни сарҳисоб қилсангиз, нақд битта китоб бўлади. Эҳ-ҳе, ўшандан буён қанча сувлар оқиб ўтмади дейсиз. Замон ўзгарди. Юртимизда фермерчилик ҳаракатига катта эътибор қаратилди. Гапнинг ростини айтганда, фермерчилик ҳаракати бошланган илк йилларда соҳани тушунган ҳам, тушунмаган ҳам фермер бўламан, деб кўксига урди. Баъзилари деҳқончиликни енгил деб тушунганлар-да...

Сожидахон опаям эл қатори нафақага чиқиб, набираларига ардоғида юрса бўларди. Бироқ, шунча йил ишлаган даласидан ҳеч кўнгил узолмади. Ниҳоят, ўғил-қизларини ёнига олиб, кўп йиллар ўзи меҳнат қилган Уйчи туманидаги Улуғбек номли ширкат хўжалиги ҳудудидан етти гектар ер олиб, "Сожидабону" фермер хўжалигини ташкил қилди.

Биринчи йилиёқ фермер хўжалиги аъзолари яқин-яқинларгача пахтадан зўрға 30-33 центнердан ҳосил олинаётган ердан 43,5 центнердан хирмон кўтариб, шов-шувга сабабчи бўлдилар. "Яшанг", дегувчилар кўпайди. Сожида опа бир ишнинг бошини тутса, охиригача етказадиганлардан. Фермер хўжалиги фаолиятининг иккинчи йилида ҳам худди юқоридаги натижа қўлга киритилди. Фермер опага ишонч ортди. Шу боис, 2002 йил якунига кўра фермер хўжалигига қўшимча яна олти гектар майдон қўшиб берилди. Ана шу ерга яхши ният билан экилган барака уруғидан ғаллакорлар 34 центнер ўрнига 70 центнердан дон олишди.

-Ер қўшиб берилганда уялиб қолмасмиканмиз, деб роса ташвишга тушгандим. Яратганга минг бор шукр, юзимиз ёруғ бўлди, - дейди фермер Сожидахон Маҳмудова. – Ҳаммасига хўжалигимиз ўн бир аъзосининг жонбозлиги сабаб бўлди.

**(Давоми 7-бетда)**

# ДУНЁ КЕЗСАНГ...

Урганч туманидаги "Маҳмуда" фермер хўжалиги раҳбари Мақсуд Жуманиёзов ўтган йили Исроил давлатида бўлиб, ҳамкасблари фаолияти билан танишиб қайтди.

-Аввало, оддий ўзбек деҳқонининг мулкдор бўлиши, дунёнинг ривожланган мамлакатларига бориб, олимлардан сабоқ олиши, ҳамкасблари билан фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашишдек бахтга мушарраф бўлиши Истиқлол яратган имкониятлардан биридир, - дейди у. - Бўлмаса, Исроил давлати қайдаю, биздек кишиларга у ерлик тадбиркорлар билан ҳамсуҳбат бўлиш қайда эди? Дунё кезсанг, дунё биласан, деган донолар. Салкам бир ой давомида мазкур мамлакатнинг "Кабуц Шфаилс" халқаро ўқув марказида бўлиб, у ерлик фермерларнинг маҳсулот етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, харидорга етказиб бериш борасидаги тажрибалари билан танишдик ва шундай хулосага келдикки, улардан ўрганса арзийдиган жиҳатлар кўп экан.

Маълумки, Исроилда 6 миллион киши истиқомат қилиб, ана шу аҳолининг 9 фоизигина қишлоқда яшайди. Шундай бўлишига қарамасдан, у қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олган. Минглаб парранда ёки қорамол, қўй-қўзи боқиладиган йирик фермаларда бир нафаргина киши ишлайди. Барча юмуш компьютер орқали бошқарилади, техника ёрдамида бажарилади. Чорвачиликда наслга катта эътибор қаратилган. Қорамоллар қатъий тартиб асосида боқилади. Бўрдоқиларнинг семириши суткасига бир килограммдан ошади. Гўшт, сутни қайта ишлаш заводлари шу қишлоқнинг ўзида. Қўйлар ҳам шундай – наслдор. Ҳар етти ойда туғади. Олти ойлик бўлганида 70 килограммлик тош босаркан. Иш тартиб-қоидаси қатъий - ҳар бир фермер маҳсулот етиштиришнинг битта тури билан шуғулланади. Шартномага амал қилинади.

Қизиғи шундаки, чорвадору товуқбоқарда бир гектар ҳам ер йўқ. Омухта ем, озуқани бошқа фермер тайёрлайди ва шартномага асосан етказиб беради. Ҳисоб-китоб шу соатнинг ўзидаёқ амалга оширилади. Жўжалар қирқ беш кун боқилгач, вазни уч килограмм тош босади ва гўштга топширилади. 30 мингта товуқни бир киши боқишига юртдошларимиз ишонмасликлари мумкин. Молларни сўядиган, элтиб берадиган, сотадиган одамлар бошқа-бошқа жамоа аъзолари. Шундай бўлишига қарамасдан, бир-бирига панд бериш уларнинг хаёлига ҳам келмайди. Ҳамма ўзига биркитилган иш учун масъул.

Деҳқончилик маданияти ҳам юқори. Барча экинлар-у боғлар томчилатиб суғоришга асосланган. Об-ҳаёт Иордан дарёсидан олинса-да, бирорта ариққа кўзингиз тушмайди. Сув ер ости қувурлари ва шланглар орқали оқизилади. Сув сарфи ҳисоб-китобли ва пуллик. Йўл ёқаларидаги гуллардан тортиб, тўқайзорлардаги дарахтларгача шу асосда суғорилишини кўриб, ҳайратландик.

Минерал ўғит, кимёвий дорилар, ҳатто маҳаллий ўғитлар ҳам ивитилиб, фильтрланган ҳолда сув орқали берилади. Суғоришнинг шу усулини қўллаб, пахта, буғдой, маккажўхоридан 70 центнердан ҳосил олинади. Исроилликлар иссиқхоналарда ундириладиган помидор, бодринг, булғор қалампири кабиларни тупроққа экишдан аллақачон воз кечишган. Уруғ махсус тайёрланган чириндиларга ташланади. Бир метр квадрат жойдан 50-70 килограммдан помидор ҳосили олиш оддий ҳол. Уларда гулчилик катта даромад манбаига айланган. Боғларида биздагига қараганда тўрт баробар кўп дарахт жойлашган. Тупроқни соғломлаштиришга катта эътибор қаратилган. Шўрланиш кам.

Менинг ихтиёримда 95,5 гектар экин майдони бўлиб, шунинг 38 гектарида пахта, 15 гектарида шоли, қолган қисмида буғдой, сабзавот, полиз экинлари етиштириб келмоқдаман. 1,5 гектар боғимиз бор. Ўтган йили пахтадан бошқа барча экинлардан юқори ҳосил олиб, маҳсулот топшириш шартномаларини ортиғи билан уддаладик. Даромадимиз ёмон бўлмади. Бу йил исроилликларнинг ўғит ва сувдан унумли фойдаланиш, мелиорация ва боғдорчилик соҳасидаги тажрибаларидан фойдаланишга ҳаракат қиламиз.

Кўрган-эшитганларимизнинг ўзи бир дунё. Барчаси ўрнак олгулик. Лекин бу бир йилдаёқ қилинадиган ишлар эмас. Қўшни-қўшнига қараб қоматини ростлайди, деганларидек, биз ҳам ҳадемай уларга етиб оламиз.

**Холмурод ҚУРБОНОВ ёзиб олди.**



**"Бахтсельмаш" Ўзбек-Белорус-Россия қўшма корхонасида қишлоқ хўжалиги техникалари учун 40 дан ортиқ турли эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариляпти.**
**СУРАТДА: корхона раҳбари Анатолий Самойличенко (чапда).**

Б.АКРАМОВ олган сурат.

**(Боши 6-бетда)**

Ўтган йилги қийин обҳаво шароити уйчилик пахтакорларга ҳам анчагина қийинчилик туғдирди. Шундай бўлса-да, "Сожидабону" фермер хўжалиги давлатга пахта сотиш шартнома режасини уч фоизга ошириб бажарди. Териб олинган пахтанинг 98 фоизи олий ва биринчи навларга сотилди. Шуниси эътиборлики, ўтган йили фермер хўжалиги тасарруфига қўшимча яна 14 гектар ер қўшиб берилди. Демак, даромад яна ортади.

# ШАҲАРДАН ЧИҚҚАН ДЕҲҚОН

Ҳозирда фермер хўжалиги ҳисобида керакли техникалар бор. Сожидахон опа яқинда ғўза қатор ораларига ишлов берувчи янги культивация мажмуасини 700 минг сўмга сотиб олганини айтди. У ҳадемай яна битта янги "Беларусь" трактори сотиб олиш ниятида. Бунинг учун фермерда имкон ҳам, маблағ ҳам топилади.

-Ўтган йилги ҳосилнинг кўнгилдагидек бўлмаслигига кўсак қуртининг кучайгани ҳам сабаб бўлди, - дейди фермер. – Мен дастлаб мутахассисларнинг тавсиясига кўра, улар айтган кимёвий воситалардан фойдаланиб кўрдим. Бироқ негадир уларнинг ҳеч бири таъсир этмади. Шунда мен кўп йиллик тажрибамга таяниб, "ОВХ" агрегатида деҳқончиликда қўлланилаётган оддий аммиакни миқдори (дозаси)ни кучайтирмай барча пайкалга дадил септирдим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг бир кеча-кундузда кўсак қуртидан асар ҳам қолмади. Эртасигаёқ ғужанак бўлиб турган ғўза ўзини эмин-эркин қўйиб юборди.

Сожидахон опа мурувватда аллақачон эл оғзига тушган. Олинган даромад ҳисобидан кам таъминланган, кўп болали оилаларга беш тоннадан ортиқ буғдойни хайрия тарзида бепул тарқатди. Бундан ташқари, шу ҳудудда жойлашган 41 ва 6-мактабларга ҳам моддий кўмак бериб келяпти. Насиб қилса, 2004 йил - "Меҳр ва мурувват йили"да ҳам фермер опа ана шу хайрли ишларини давом эттириш ниятида.

**Асқарали МАМАТОВ**

*ИНСОН ЎЗИНГ...*

# НОННИ КАТТА ТИШЛАГИН, АММО...

Сартарошхонада ўтирган мижозларнинг ҳам, навбат кутаётганларнинг ҳам оғзи ланг очилган. Ҳамманинг нигоҳи соч-соқолини олдираётган қассоб йигитда.

-Бир ойча бўлди, қўлимни қон қилмай ярим соатда юз минг сўм ишладим, - деди у виқор билан, - бир чолдан уч юз элликка яхшилаб боқилган қарироқ, аммо каттароқ сигирни сотиб олдим. Ҳамкасблардан бири қўққисдан тўрт юз минг таклиф қилиб қолди. Ҳанготаталаб кўп, баракабарака, ҳа-ҳа бошланди. Мен оёқни роса тирадим, хуллас тўрт юз элликка пулладим.

-Хурсандмисиз? – деди кимдир.

-Албатта, - пулдор йигит ўзича гердайиб қўйди.

Қассоб бола сартарошнинг тиғи остида обдан гурунг берди: бировнинг энсаси қотди, бошқасининг ғаши келди. Уста бечора эса кесиб олмайин, деган ҳадикда жони ҳалак. Бизнинг "воиз" отасини ҳажга жўнатгани, икки "Форд"ини эса "эл хизмати"га қўйиб қўйгани, укасига фалон миллион сўмга ҳовли олиб бергани, ҳижобдаги бир қизни иккинчи хотинликка никоҳлатиб олгани хусусида ҳам айтиб ўтди. Гапининг охирида эса:

-Шунақа қилиб, Отабек бўлишгаям улгурдикда, - деди.

"Воиз" битта минг сўмликни тошойна олдига ташлаб, ўрнидан қўзғолди. Унинг у ёқ-бу ёғини силаб-сийпаб қуллуқ қилаётган сартарош ташқаригача кузатиб қўйди. Ҳали ўттизга ҳам кирмаган "янги ўзбек" ёшига номуносиб виқор билан чиқиб кетар экан, атрофидагиларга такаббурлик аралаш таъзим қилган бўлди.

-Вой занғар-ей, - дея койинди навбат кутиб ўтирган Ҳайитвой муаллим. - Отини ёзишни билмасди-я! "Бахт кимники – боши паҳмоқники", деганлари шу бўлса керак-да. Аммо Отабекни қора қилгани кўп чакки бўлди-да.

-У гапирмади, домла, - мийиғида кулди уста. – Чўнтагидаги пул гапирди, мол-давлати гапиртирди.

-Рост, - тан олди муаллим. – Бойлик тилни шундоқ бурро қилади, шунинг учун «оғзи қийшиқ бўлсаям бойнинг боласи гапирсин», деганлар.

Ҳайитвой домланинг гапи эски бир ривоятни эсимга солди.

Подшоҳлардан бири ариқ ковлатадиган бўлибди. Ўзан чуқурлаб, тупроқни ирғитиш қийинлашган чоғда ҳам бир чол сира бўш келмасмиш. Билагида куч, юрагида ғайрати тошиб турган йигитлар отган тупроқ анҳорнинг лабига базўр етармишу, қария эса патнисдай куракда ярим пуддан кам бўлмаган тупроқни писанд қилмас экан.

-Сир манавинда, - дебди у қизиқиб сўраганларга белидаги чорсини ечиб. Унга ўн икки дона қуйма тилло тугилган экан.

-Лекин, - деди кекса ўқитувчи қиссадан ҳисса чиқариб. – Ҳамма нарсанинг ҳам ўлчови бор. Қадимгилар нонни катта тишлагину, аммо, гапни катта гапирма, дейишган. Иннайкейин омад келганда хушёр бўлиш керак. Нимага десангиз "омади - офати", деган гап бор. Шунинг учун омаднинг ортидан келиши мумкин бўлган офатдан эҳтиёт лозим.

**Рустамжон УММАТОВ**

*ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ*

# "ЭГИЗАКЛАР ШАҲРИ"

Эгизакларнинг қисмати аксарият ҳолларда бир хил бўлади. Улар жаҳоннинг қайси бурчагида яшашидан қатъий назар, бир-бирларига нафақат ташқи кўринишлари, балки уларнинг хулқ-атвори ҳам ўхшаши табиий. Мана бу воқеалар тафсилотига эътибор беринг.

Дунё ажойиботларга бой

Ана шундай ғаройиб воқеалардан бири Юнонистоннинг Соколники шаҳрида бўлган, яъни эгизак қизалоқлардан бири 1989 йил, иккинчиси эса 1990 йил туғилганлиги қайд этилади. Бунга сабаб туғилиш оралиғидаги тафовут 15 минутлиги бўлган. Чунки бу эгизаклар Янги йил кечаси туғилгандилар-да!

* * *

Эгизакларнинг барчаси ҳам рисоладагидек ўсавермас экан. Табобат оламида ҳаёт кечира олган энг енгил эгизакларнинг умумий оғирлиги 992 граммни ташкил этади. Бироқ эгизак – Мари 458 грамм, Маргарет – 539 грамм бўлишига қарамай, яшаб кетганлар. Жажжи опасингиллар 1931 йил 15 августда дунёга келганлар.

* * *

Ҳаётда "паҳлавон" эгизаклар ҳам дунёга келишаркан. Маълумотларга қараганда, энг оғир икки эгизакнинг умумий вазни 12 килограмм 590 грамм бўлиб, бу эгизаклар 1924 йил 20 февралда АҚШнинг Арканзас штатида яшовчи Хаскинлар оиласида туғилган.

* * *

Эгизаклар билан боғлиқ мана бу ҳодисага ҳайратланмасдан илож йўқ. Чунки Англияда бир онадан туғилган, гўдакларнинг бири нукрадек оппоқ бўлса, иккинчиси қора танли бўлган.

**Маннон НАБИЕВ тайёрлади.**

# НИМТАБАССУМ

Икки маст киши машинада кетишяпти:

Бири иккинчисига:

-Х-ҳозир, кўприкдан-н ў-ўтишинг билан... ҳиқ... чапгга ҳаййдайсан! – дебди.

-Ий-е, машинани – с-сен ҳайдаяпсан д-деб ўйловдим, - дебди иккинчиси.

* * *

-Дада, алкаш нима дегани? – сўради ўғил отасидан.

-Биласанми, ўғлим, анави ерда иккита қарағай турибди. Алкашларга бу иккита дарахт тўртта бўлиб кўринади.

-Дада, у ерда битта қарағай турибди, холос, – дебди ўғил.

* * *

Эр хизмат сафаридан бир кун олдин қайтди. Қараса кроват устида бегона жинси шим ётибди. Хотини эса саросимада.

-Бу жинси шим қаёқдан келиб қолди? – сўради у хотинидан.

-Би... билмадим. Мен қа...ёқдан билай?

-Сендан сўраяпман, бу жинси қаердан келди?

-Хабарим йўқ. Билмайман.

-Охирги марта сўраяпман. Қаердан келди бу жинси? Айтмасанг ҳозир отиб ташлайман.

-Уни тинч қўйинг, - секин овоз эшитилди шкаф ичидан, - жинси хорижники, эгаси рўпарадаги "дом"дан.

**Рустам БЕК**

«Фермер» материаллари таҳририят Агросаноат ижодий гуруҳи ҳамда Республика Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамкорлигида тайёрланди.

# Рассом хандаси



ХЎРОЗ: ҳозир тухумнинг нархи ошди, аммо бизга берилаётган озуқанинг «мазаси» қочди. Шу боис тухум қўйишни тўхтатинглар!



МУДИР: тафтишчининг мақсади битта қўй экан.




БЎРИ: сеними шошмай тур, тухматчи...

Абдурасул ҲАКИМОВ чизган расмлар.

# ОРИЯТ ЧЎҚҚИЛАРГА БОШЛАЙДИ



(Боши 1-бетда)

Бунинг маъноси - ота ўз фарзандини Аллоҳдан сўраб осмондан ерга олиб тушади, устоз эса шу фарзандни етаклаб юксакликка, осмонга олиб чиқади.

Мураббий Дилшодни ўз тарбиясига олди. "Қўйсанг-чи, Ҳамид, шу боладан боксчи чиқадими? Бекорга уринаяпсан", дегувчилар топилди. Орадан олти йил ўтгач, Фарғонада ёшлар ўртасида чемпионат ўтказилди. Шунда тажрибали мураббийлардан бири "у билан ишлама, наф чиқмайди", деб Дилшодни рингга чиқармади.

-Ич-ичимдан ёниб кетдим, - хотирлайди Ҳамиджон. – Барибир Дилшодни кучли боксчи қиламан, деб аҳд қилдим. 1998 йили ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлди. Дилшод акаси Шуҳратнинг рекордини такрорлади, ғолиб бўлди. 1999 йили Тошкентда Ўзбекистоннинг энг кучли боксчилари турнири ўтказилди. 48 килограмм вазнда Дилшод ғалаба қозонди. Финалда жамоадоши, жаҳон биринчилиги совриндори, Халқаро тоифадаги спорт устаси Дилшод Йўлдошевни доғда қолдирди.

Шундан сўнг Ўзбекистон терма жамоаси мураббийлари Дилшод билан қизиқа бошладилар. Улар адашишмади, чунки 2001 йили Жиззахда бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида Дилшод барча рақиблари устидан ғалаба қозониб, финалда андижонлик халқаро тоифадаги боксчи, 60 килограмм вазнда Ўзбекистон терма жамоасининг тажрибали аъзоларидан бири, Осиё чемпиони, жаҳон кубоги ҳамда жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори Тўлқин Турғуновни ҳам чиройли тарзда мағлуб эта олганди. Шу зафари билан у Ўзбекистон термасига мустаҳкам ўрнашиб олади.

Спортчига ҳаволаниш юқса унинг натижаси ёмон бўлади. Бу нарса Дилшодни ҳам четлаб ўтмади. Натижада олти ой омад ундан юз ўгирди. Вазиятга тўғри баҳо беролган мураббий ва шогирд тушкунликка тушишмади. Осиё ўйинларида унга сўнгги имконият берилди. Яхши тайёргарлик кўрган Дилшод нафақат турнир ғолиби бўлди, балки "Энг яхши боксчи", деб ҳам тан олинди. Ана шу сўнгги имкониятни Ўзбекистон Бокс федерацияси вице-президенти, Бутунжаҳон бокс ассоциацияси вице-президенти Ғафур Раҳимов берганди.

Хўш, Дилшоднинг ўйин услуби қандай? У нимаси билан бошқалардан ажралиб туради? Ҳаётда ҳазилкаш, кўнгилчан, тиришқоқ, устозига содиқ бу йигит рингда жуда эркин ҳаракат қилади. Унга рақиб ким бўлишининг фарқи йўқ. Ўйин услуби очиқ. Ҳар қандай зарбага чап бера олади. Жанг пайти артистларга хос ҳаракатлари билан бор маҳоратини ишга солади. Унинг тактикаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Шавкат Қосимов мактаби услубини эслатади. Дарвоқе, Дилшоднинг устози Ҳамид Деҳқоновнинг мураббийи ҳам Шавкат ака бўлган. Боксда ўзига хос сулола яратилмоқда.

Шу пайтгача Дилшод Маҳмудов тўқсондан зиёд ғалабани қўлга киритди. Эндиликда у Халқаро тоифадаги спорт устаси, XIV Осиё ўйинлари, V Марказий Осиё ўйинлари чемпиони, Ҳиндистонда ўтказилган Афро-Осиё мусобақалари ғолиби, Италияда ҳарбийлар ўртасидаги жаҳон чемпионати олтин медали соҳиби.

Айни дамда Дилшод пойтахтда ҳарбий бурчини ўтамоқда. Халқаро тоифадаги боксчилар Шерзод Ҳусанов, Азиз Раҳмонов, Дилшод Маҳмудовлар Греция пойтахти Афинада ўтказиладиган олимпиада мусобақаларидан сўнг ўзларини профессионал боксда синаб кўришни ният қилишган. Муҳаммадқодир сингари бу спортчилар ҳам дунё рингларида юртимиз шаънини кўз-кўз қилсалар, ажабмас.

**Баҳодир ХОЛМАТОВ**



Нигоҳларда ҳаё мужассам.

**Б.АКРАМОВ олган сурат - лавҳа.**

**БУ АЖИБ ДУНЁ**

## МЎЪЖИЗАЛАР

***Қадим замонлардан буён деярли барча халқларда етти рақамини тугал ва мукаммал билиб, уни сирли ва мўъжизавий воқеа-ҳодисалар билан боғлашган.***

Буни илоҳий, табиий-ижтимоий воқеликлар билан бир қадар изоҳлаш мумкин. Чунончи, ойнинг фазалари (ойнинг чораги, ярми, тўлин ой, янги ой) ҳар бири 7 кунда алмашади ва ҳафта шундан келиб чиққан. Етти пушт, етти хазина, етти жаннат, етти дўзах, етти қават ер, етти қават осмон... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Қарангки, инсоният ақли ва қўлининг маҳсули бўлган обидаларнинг мўъжиза, деб баҳоланадигани ҳам оз эмас, кўп эмас, айни еттита экани таъкидланади.

Хўш, ўша донғи дунёга кетган мўъжизалар қайсилар?

Бугун мўъжизалар кўпайиб кетган: Париждаги Эйфель минораси. Ҳиндистондаги Тожмаҳал ва ҳоказо. Шу нуқтаи назардан ички ёнув двигатели, телерадио сигналларнинг узатилиши, космик аппаратлар, Европани Англия билан боғловчи туннель ва ҳоказолар мўъжиза эмасми?

Бироқ гап шундаки, етти мўъжизани антик дунёдаги юнон олимлар танлаб олишган. Уларнинг бари эрамизгача яратилган. Қадимги муаллифлар тилга олган кўҳна мўъжизавий обидалар қуйидагилар:

Миср эҳромлари, Бобилнинг осма боғлари, Эфесдаги Артемида ибодатхонаси, Олимпдаги Зевс ҳайкали, Галикарнасдаги даҳма, Родос оролидаги улкан ҳайкал, Искандар минораси. Бу мўъжизаларнинг ҳар бири тўғрисидаги асарларнинг, тадқиқотларнинг таъриф-тавсифларнинг сон-саноғи йўқ. Бинобарин, улар ҳақида батафсил ҳикоя қилиш имконияти йўқ. Фақат шуни айтиш зарурки, бу етти мўъжизанинг олтитаси аллақачонлар вайрон бўлиб кетган. Уларни бизнинг замондошларимизгина эмас, неча юз йиллар бурун яшаб ўтган аждодларимиз ҳам кўролмаган.

Минг йиллар долғасидан Миср эҳромларигина омон қолган холос. Унинг баландлиги 147 метр, асослари узунлиги 233 метрдан иборат. Қурилишга 2,5 тоннадан 30 тоннагача бўлган 2,3 миллион дона тош ишлатилган. Тош ташиладиган йўлнинг ўзи ўн йилда битган. Юнон тарихчиси Геродотнинг ёзишича, бир йўла юз минг қул ишлатилган ва улар ҳар уч ойда алмаштирилган.

**Тайёрловчи: У.РУСТАМОВ**

# SPORT OLAMIDA

## МУВАФФАҚИЯТ

***Филиппинда бокс бўйича ўтказилаётган Осиё чемпионати мусобақалари мамлакатимиз терма жамоаси аъзоларига муваффақиятли иштирок этишмоқда.***

Аввал хабар берганимиздек, дастлабки беллашувларда боксчиларимиздан Отабек Мамажонов, Дилшод Мансуровлар рақибларини енгиб, кейинги босқичга йўлланма олган бўлсалар, куни кеча уюштирилган баҳсларни Тўлаш Дониёров ҳамда Беҳзод Хидировлар ҳам омадли якунлашди. Дастлабки муваффақиятдан сўнг боксчиларимиз кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритишди. Аммо оғир вазнлилар ўртасидаги беллашувда иқтидорли чарм қўлқоп устаси Ўткирбек Ҳайдаров мусобақаларни эрта тарк этди. Рақибига очколар ҳисобида имкониятни бой берган Ўткирбек энди совринли ўринлар учун кураша олмайди.

## НАЗОРАТЧИЛАР ТАШРИФ БУЮРИШДИ

***Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси баҳслари бошланишига саноқли кунлар қолди. 11 февралда старт оладиган нуфузли мусобақаларда мамлакатимиз шарафини етакчи жамоаларимиз "Пахтакор" ва "Нефтчи" ҳимоя қилишади.***

Ана шу мусобақалар ўтказиладиган ўйингоҳлар жаҳон талабларига жавоб бериши лозим. Шу боис Осиё футбол конфедерациясининг экспорт маркетинг бўлими назоратчилари Тошкент ва Фарғонага ташриф буюришиб, "Пахтакор" ва "Нефтчи" ўйиноҳларини кўздан кечиришади.

## ФАРҲОД - ЎЙИНОВЧИ МУРАББИЙ

***"Гулистон", "Навбаҳор" жамоаларида бош мураббий вазифасида фаолият юритган Фарҳод Магомедовни танимайдиган киши кам бўлса керак.***

Дарвоқе, Фарҳод футбол бўйича 1994 йилда ўтказилган XII Осиё ўйинлари чемпиони эканлиги ҳам ҳеч кимга янгилик эмас. Магомедов эндиликда ўзини кичик футболда ҳам синаб кўриш ниятида. Шу боис ҳам у мини-футбол жамоаси "Жиззах-С"да ўйиновчи мураббий вазифасида майдонга тушади.

## ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

***Сентябр ойида Японияда ўсмирлар ўртасида футбол бўйича қитъа биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтади.***

Турнирда Ислом Аҳмедов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ҳам иштирок этади. Айни кунларда Осиё чемпионатига қизғин ҳозирлик кўраётган ўсмирлар терма жамоаси "Пахтакор" футбол мактабининг 1987 йилда туғилган болалардан таркиб топган жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказди. Ёш "пахтакор"чилар ана шу ўйинда 2:0 ҳисобида зафар қучишди.

## ЦЕЙТЛИН МОСКВАДА

***Ҳар йили қиш ойларида Россия пойтахти Москва шаҳрида футбол бўйича МДҲ чемпионлари иштирокида турнир ўтказилмоқда.***

Турнирда ҳакамлик қилиш учун ўзбекистонлик В.Цейтлин Москвага жўнаб кетди. Айни кунларда Малайзияда Осиё футбол конфедерациясининг ҳакамлар иштирокида йиғинлари ҳам бўлиб ўтмоқда. Унда ҳакамларимиздан М.Исмоилов, Ғ.Низомов, Д.Шоқурбоновлар иштирок этишмоқда.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

## "СПАРТАК"НИНГ ИЛК УЧРАШУВИ

***Россиянинг "Спартак" футбол клуби янги бош мураббий Невио Скала бошчилигида биринчи назорат учрашувини ўтказди.***

Туркиянинг етакчи жамоаси "Галатасарой" билан уюштирилган баҳсда гарчи мағлубиятга учраган бўлса-да, италиялик мураббий жамоасидан кўнгли тўлганини айтиб ўтди.



Бош мураббий бу учрашувдан кўзлаган мақсади бир қатор янги ўйинчиларни синовдан ўтказиш эди. Ўйин якунлангандан сўнг, "қизил-оқлар" етакчиси грузиялик дарвозабон Георгий Лома ўйинидан хурсанд бўлганини яшириб ўтирмади. Учрашув 2:1 ҳисобида турклар фойдасига ҳал бўлди, москваликларнинг ягона голи муаллифи Михайло Пьянович.

## ИРИНА ИШТИРОК ЭТМАЙДИ

***Россиялик фигурали учувчи Ирина Слуцкая февралда бошланадиган Европа чемпионатини ўтказиб юборади.***

У мартда бошланадиган Жаҳон биринчилигида иштирок этмоқчи, дея хабар беради "Ассошиэйтед Пресс". Ирина учун 2003 йил омадсиз келди. Уни йил давомида жароҳатлар ва касалликлар қийнаб келди. У пневмания ва бронхит касаллиги билан касалланган ва 20 сентябргача даволаниб чиқишга мажбур бўлди. Ҳозир Ирина ўзининг жисмоний ҳолатини яхшилаш билан шуғулланмоқда. Унинг мақсади – Жаҳон биринчилигида муваффақиятли иштирок этиш.

## ОМАДСИЗ КАПРИАТИ

***Америкалик теннис юлдузи Женнифер Каприати Australien Open турнирида иштирок этишдан бош тортмоқда.***

Бунга унинг 2003 йил ноябрда елкасидан олган жароҳати сабаб бўлмоқда. Женнифер Австралия кортларида 2001 ва 2002 йиллар чемпионликни қўлга киритганди. Каприатидан ташқари опа-сингил Уильямлар ва Мэри Перслар ҳам яшил қитъада ўтадиган мусобақани ўтказиб юборишади.

## "МИЛАН" ХЕСКИГА ҚИЗИҚМОҚДА

***Ҳозир Италиянинг "Милан" жамоаси Филиппо Индзаги жароҳати туфайли хужумда муаммоларга дуч келмоқда.***

Шу сабабли клуб Англиянинг "Ливерпул" жамоаси хужумчиси Эмель Хескини мавсум якунигача ижарага олмоқчи. Лекин "Ливерпул" мутасаддилари хужумчини "Мидлсбро"га сотиб юбормоқчи. Трансфер бахоси 7 миллион фунт-стерлинг, деб белгиланган.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

# АННА ГЕРМАН КИМ ЭДИ?

(Боши 1-бетда)

Анна Герман кейинчалик Варшава, Москва, Софияда ўтказилган жаҳон ёшлари фестивалларида шуҳрат қозонганида ҳам, сўнгра эса "Куйловчи фаришта", "Жаннатдан чиққан қўшиқчи", "Тинчлик элчиси" номлари билан бутун дунёга танилганида ҳам ўзи туғилиб вояга етган Хоразмни унутмади.

-Биз бир гуруҳ ёшлар 1969 йил ёзида Польшага сайёҳ сифатида боргандик, - дейди тарихчи олим Комил Нуржонов – ўшанда Варшава, Лодз, Познань, Ғданск, Сопот шаҳарлари бўйлаб саёҳат қилдик. Шу кунлари Болтиқ денгизи бўйидаги сўлим Сопот шаҳрида жаҳон эстрада қўшиқлари фестивали давом этаётганди. Биз хоразмликлар ҳамюртимиз сифатида унинг қўшиқларини, айниқса "Она шаҳрим" номли қўшиғини ҳузур қилиб тингладик.

Эстрада осмонида мисоли юлдуздай порлаган Анна Герман дунё бўйлаб концертлар берди. Миллионлаб мухлислар олқишига, давлат ва жамоат арбоблари эътирофига сазовор бўлди. Ҳатто уни Рим папаси Иоан Павел II Ватиканга таклиф қилгани маълум.

Гарчи у турли сабабларга кўра, ўзи туғилиб ўсган Хоразмга, она шаҳри Урганчга келиб концерт бера олмаган бўлса-да, санъатсевар элдошлари Анна Германнинг "Олма гуллаганда", "Ландиши", "Севги тумори", "Садо", "Порла менинг юлдузим", "Умид", "Авэ Мария" каби машҳур қўшиқлари ёзилган пластинкаларни авайлаб сақлашади.

**Умид БЕКМУҲАММАД**

# УМР ЎТДИ-КЕТДИ

(Боши 1-бетда)

Малла сочли, семиз бақалоқ, оғзида тилла тиши бор ҳамшира эса эрталаблари бамисоли машҳур бир доктордек виқор билан саллона-саллона юриб келар ва ҳар бир беморга термометр улашиб чиқарди. Кейин деразанинг ёнига бориб, бўйнини қийшайтириб, термометрнинг симоби нечага кўтарилганини аниқларди. Жуссаси кичик кекса энага ҳам бор эди. Ҳар гал унинг аҳволи бутунлай ночор бўлиб қолганда, тагига қўядиган тувакни индамайгина келтириб берарди.

Бу ердаги ҳамма нарса – деразадан кўриниб турган дарахтлар, эшиклар, деразалар, жовонлар аллақачондан бери унга таниш ва ўрганиш бўлиб қолганди. Уларнинг ҳар қайсиси ўзининг овозига эга эди – баъзиларининг овози кескин, қулоққа қаттиқ ботадиган ғимирлайдиган, ҳар гал уни сескантирадиган овозлар, баъзилари эса чўзиқ, ҳазин ва ғалати.

У буларнинг барига кўникиб қолганди. Унинг назарида бутун умри шу ерда, ана шу палатада ўтгандек. Айни чоқда госпитал ҳам, палата ҳам, теварагидаги одамлар ҳам ҳамма-ҳаммаси унинг учун мутлақо фарқсиз эди. Буларнинг ҳаммаси на уни хурсанд қилар, на кайфиятини кўтарар, на унда биронбир қизиқиш уйғотар, на нафратини қўзғар, на ижирғантирар эди.

У яхши биларди: энди ҳеч қанақа ўзгариш бўлмайди, ортиқ ҳеч қанақа янгилик ва ҳеч қандай кутилмаган нарса содир бўлмайди. У йўлнинг охирига келиб қолган. Ҳозир йўлнинг қолган қисмини хорғин ҳолда, аста-аста босиб ўтмоқда. Босиб ўтмоқда эмас, гўё бу йўлда тентираб юргандек. Олдинда уни фақат битта панохи – сўнгги макони кутиб турипти. Ва у буткул бефарқлик билан шу сўнгги манзилига яқинлаб бормоқда. У ўзига ўзи тасалли бериб, ўзини алдашга уриниб ҳам кўргани йўқ ва бошқалар уни овутиб, тасалли беришларини истамайди ҳам.

-Худо хоҳласа, ҳадемай тузалиб кетасиз ва уйга қайтасиз, - дея бир куни врач унинг кўнглини кўтармоқчи бўлди.

У дарҳол унинг гапини қайтариб ташлади:

-Йўқ, доктор жаноблари. Сиздан илтимос – қўйинг бу гапларни. Фараз қилингки, бир одам анчадан бери иморат қуряпти. Иморати битай деб қолган, фақат томини ёпса бўлгани. Тўсатдан маълум бўладики, иморатни бузиб ҳаммасини қайта қуриш керак экан. Худди шунингдек, мен ҳам аллақачон ўлимимга рози бўлиб қолганман. Тақдирга тан берганман. Мен ўзим тайёр бўлиб қолган одамман. Сиз бўлсангиз, ҳаммасини бошидан бошлашимни истайсиз...

У фикрини ёркинроқ ифодалаш учун ана шунақа образли таққослар қилишни яхши кўрарди. У жуда ҳам сўзга чечан эди, бирор ҳикояни гапириб берадиган бўлса, ҳамма қизиқиш билан тингларди. Унинг ўзи буни яхши биларди. Бу ҳикоялар бирда ғоят кулгили, бирда ғоятда қайғули бўларди, лекин нима бўлганда ҳам улар унинг бирдан-бир илинжи эди.

Олис болалик ҳақидаги хотиралари ғира-шира ва қайғули эди. Отаси ҳаддан ташқари қаттиққўл одам бўлган, оила аъзоларининг ҳаммасини зир титратган. Унинг ҳар қандай инжиқлигини ҳаммалари кўтаришга мажбур эдилар. Аммо уни қора тупроққа қўйиб, меросни бўлишиб олишга улгурмасларинданоқ болалар озодликни қўмсаб қолдилар. Оналари марҳум эрига тақлид қилиб, ҳаммани итоатда сақламоқчи бўлиб кўрди. Аммо унинг оҳ-воҳлари ва дўқ-пўписаларига қарамай, фарзандлар меросдан тегадиган пулларни олишлари биланоқ уларни совуриб маишат қилмоқ учун бошлари оққан томонга тирқираб кетишди. Унинг ўзи эса орқа-олдига қарамай бир фоҳиша қизга ошиқу бекарор бўлиб қолди. Фоҳиша тегирмонга тушса бутун чиқадиган худонинг балоси эди. У фоҳишага эргашиб, бормаган жойи қолмади, фоҳиша қайси шаҳарга кетса, у ҳам кетидан эргашиб кетаверарди. Бу ширин дардли уқубатлар қанча вақт давом этганини бугун унинг ўзи ҳам эслолмайди. У эртага нима бўлишини билмас, шунинг учун доимий ҳавотир ичида яшарди. Лекин шунга қарамай, ўша пайтлар кўп яхши пайтлар эди. Бироқ, бора-бора пуллар тамом бўлди, онаси вафот этди. Теҳронга кўчиб ўтмаса бўлмайдиган бўлди. Унинг қўлида на дастмояси, на тайинли маълумоти, на бирон касби-кори бор эди. Аммо беғаму беташвиш ўтган ҳаёт даври унинг қалбини аллақачон заҳарлаб бўлган эди. Шунинг учун у бирор оғир ишга қўл уришга қодир эмас эди. Нима ҳам қилиши мумкин эди. Унинг қаршисида фақат битта йўл қолган эди. Бу – армия эди. У ерда у яна аввалгидай тарзда ўзини кўп ҳам уринтирмасдан таралла-бедод билан умр кечирмоғи мумкин эди. Армияда бир тишлам нон топиш ғамида ҳолдан тойиб ишлаш керак эмас. Аскарларга маош берилади, қурол-яроғ ва ҳарбий либос берилади, улар бутун мамлакат бўйлаб бемалол сафар қилиб юришади. У ўша кезларда ҳали ғўргина йигит эди, шундоқ бўлгач, буларнинг ҳаммаси унинг кўзига жуда катта устунликдай кўринди. У зўр бўлади, ҳеч ким унга хўжайинлик қила олмайди, қандай истаса, шундай яйраб юраверади. Аскарликда бошқалар билан бирга ҳамжиҳат яшашга нима етсин – доим ўйин-кулги, шоду хуррамлик, маишат, қартабозликлар...

Аммо аскар бўлгандан кейин англадики, ҳамма нарса у ўйлагандек осон ва силлиқ эмас экан. Айниқса, бошида жуда қийин бўлди. Ҳар куни майдонда кишини толиқтирувчи машқлар, жиндай интизомсизлик қилсанг, аёвсиз калтакланишлар, ҳаммага сўзсиз бўйсиниш зарурияти жуда оғир эди. Бошлиғинг сенга ёқадими-йўқми, сен уни ҳурмат қиласанми ёки унинг афти-башарасига туфлашни истайсанми – барибир, бундан қатъий назар, унинг оғзидан чиққан ҳар бир буйруғини дарҳол бажармоғинг керак. У шаҳарда ўсиб-улғайган, тўқчиликда яшаб ўрганган, ҳар ҳолда ўзини анави бефаросат қишлоқи йигитлардан беқиёс даражада юқори деб ҳисоблайди. Қишлоқи йигитлар унинг тенги эмас – уларни ердан ажратиб олиб, қўйга ўхшаб казармага ҳайдаб келишган, энди бу ердаги ҳақоратлар ва сўкишларга чидашлари керак. Бунақа хўрликлар эса унга тўғри келмайди. Ефрейтор, сержант, старшина, ҳар хил катта ва кичик офицерлар – вой-бў-ў, уларни санаб, адоғига етолмайсан. Шуларнинг ҳаммасига бўйсуниш керак. Уларнинг бирontаси ҳам унинг кўнглида ҳурмат туйғусини қўзғаёлмайди, уларнинг бирон жиҳати, биронта ҳам фазилати "шу одамларга бўйсунсанг бўлади" деган тасаллини беролмайди.

У бақувват чўтир старшинани яхши билади – унинг қуюқ мўйлови бор - ҳамиша унинг учларини бураб, чиройли қилиб юради. У мўйловига шунақа бино қўйганки, қўяверасиз. Ҳар куни уни ўн марталаб силаб, ҳатто тараб қўяди. Бир куни казармага тушган дастлабки пайтларида у хаёл билан бўлиб, старшина билан тўқнашиб кетишига сал қолипти. У истеҳзо билан мийиғида кулиб, уни кузатиб турган экан.

У ҳозир бирор иш буюради-ёв, - деб ўйлади у. – Мен эса унга

"Эшитаман, жаноб старшина", деб жавоб беришим керак. Ёки "Бажараман, афандим!" демоғим керак. Бу одамга "афандим" дегани кўпроқ ёқади. Йўқ, бекорларни айтибсан. Хомтама бўлма! Овора бўласан, тасқара! Тишларининг сариқлигини айтмайсизми! Хе, кашанда бўлмай ўл-е!

Унинг кўнглидан шундай фикрлар ўтар экан, старшина чиндан-да бир нималар деб тўнғиллади:

-Эшитаман, жаноби олийлари! – деди у бирваракайига старшина нима деб буюрганини тузукроқ илғамай. У кўзларини лўқ қилиб старшинага бақрайганича ғўдайиб турищда давом этарди.

-Нега бақрайиб турибсан! Қимирла! –деб бақирди старшина ва чангитиб сўкди. Аммо у оғзини ёпиб улгурмасдан кутилмаганда тумшуғига келиб тушган мушт зарбидан дами ичига тушиб кетди.

-Ўчир овозингни, жаноби олийлари!

Кейинчалик у бу воқеа тўғрисида гапириб берадиган бўлса, ҳар гал унинг кулгиси қўзғар эди. Агар ўшанда ўзини вақтида тўхтатиб қолмаганида, бу воқеанинг нима билан тамом бўлиши ёлғиз худонинг ўзига маълум эди.

Уни дарралашди, кейин карцерга қамаб қўйишди, ундан чиққандан кейин эса анча вақтгача бўлар-бўлмас, арзиган-арзимаган нарсалар учун унга тирхишлик қилиб юришди. Лекин шундан кейин ҳеч ким унинг ҳузурида бировнинг онаси ёки синглиси шаънига оғир ботадиган гап айтмай қўйди. Унинг тўғрисида гап кетганда ҳам оғизларидан чиқадиган ибораларга жуда эҳтиёт бўладиган бўлиб қолишди. Уни ҳам сержантликка ўтказдилар - ҳар нима қилганда ҳам шаҳарда ўсган, хат-саводи бор, бунинг устига унинг отасини таниган одамлар чиқиб қолди. Лекин сержантликка ўтказишлари биланоқ уни жазо отрядига ўтказиб юборишди. Лўлиларники янглиғ дайди ҳаёт бошланди. Ҳаёт довонларда, чорраҳаларда, тоғларда, саҳроларнинг энг жазирама жойларида ўтадиган бўлиб қолди. Ҳар куни мамлакатнинг қай бир бурчагида норозилик туғилиб турарди, ҳар куни кимдир ғалаён кўтарарди. Қаердаки, бирор жойда қон тўкилса, уларни қўй сурувидек ўша томонга ҳайдашарди. Бу нотаниш заминнинг ҳар бир адирида, ҳар бир чуқурида, ҳар бир тош, дарахт, бутанинг ортида уларни хатар кутиб турарди. Саросимага тушган ва қўрқувдан эс-хушларини йўқотиб қўйган ҳолда улар кўз ўнгларида ўққа учиб, қулаётган ўртоқларини кўриб туришарди. Ахир, улар айни шу одамлар билан ҳар куни ёнма-ён қадам отишар, биргаликда орзу қилишарди.

**Озод ШАРОФИДДИНОВ таржимаси**

***

(Давоми бор)

"Қишлоқ ҳаёти" таҳририяти газета Жамоатчилик Кенгаши раисининг ўринбосари, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси бошқаруви раиси Эркул Зикриёевга умр йўлдоши

**МЕҲМОН АЯ** нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ветеринария илмий-тадқиқот институти жамоаси шу илм даргоҳига раҳбарлик қилган атоқли олим, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги

**Эркин Ҳамидович ЭРГАШЕВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Самарқандлахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси жамоаси "Ўзпахтасаноат" уюшмаси бошқаруви раиси Эркул Зикриёевга умр йўлдоши

**Меҳмон ая ОМОНОВА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 136-58-83 (факс):133-09-93. (факс):133-40-87. бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-30. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон - 8-374-2-25-32-23; Бухоро - 8-365-22-648-22; Жиззах - 8-372-22-648-72; Навоий - 8-436-22-588-56; Наманган - 8 - 369-43-311-81; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Д.УЛУҒМУРОДОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-0021, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

1 2 3 4 5 6